

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК : 330.322.01

МУХАМЕДОВА НИЛУФАР ЗАКИРХОДЖАЕВНА

**Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётга
инвестицияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари**

5А 230102 – «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)»

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Хошимов П.З.

Тошкент- 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва роли.....	9
1.2. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.....	21
1.3. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	33
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	44
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ	
2.1. Мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш йўллари.....	47
2.2. Республикамиз минтақаларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш.....	57
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	69
III-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ	
3.1 Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш йўллари.....	71
3.2. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришнинг асосий йўналишлари	78
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	88
ХУЛОСА	90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	94

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишга инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим соҳалари ва етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек «Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.»¹

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

Кейинги йилларда республикаимизнинг экспорт соҳасида, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакиллантириш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Мамлакатимизда 2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек «Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йўли бўлади.

Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўчилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилдагига нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақланиб қолинади.

Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади»¹

Ҳозирги даврда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётимизни модернизациялашда ички ва хорижий инвестицияларни жалб этишни янада кенгайтириш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизни модернизациялаш шароитида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш хусусиятларини тадқиқ

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

этиш ва инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганганлик даражаси. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари қатор олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, ғарб олимларидан Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, А.Пигу, П.Самуэльсон, Ж.Р.Хикс, В.М.Фридман, К.Р.Макконелл, С.Л.Брю ва бошқалар инвестициялар ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги назарий концепцияларни ишлаб чиққанлар ¹.

МДХ мамлакатлари иқтисодчилари Л.Абалкин, А.И.Дедиков, Г.Найденов, А.Полетаев, В.К.Фальцман, Р.Энтов ва бошқаларнинг илмий ишларида инвестицияларнинг шакиллари, уларни молиялаштириш манбалари, самарадорлигини баҳолаш масалалари тадқиқ этилган ².

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш масалалари С.С.Ғуломов, А.В.Вахабов, Д.Ғозибеков, Н.Х.Хайдаров, Ш.Г.Юлдошев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ³. Бу ишларда асосан хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтиришнинг назарий жиҳатлари, бу жараёндаги молиявий-солиқ муносабатлари ёритилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий ривожланишини тартибга солиш масалалари Ш.Б. Имомовнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.⁴

¹ Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег.- М: 1978; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах. Серия; «Экономическая мысль запада», Пер.с англ. Изд. для научных библиотек.- М.:Прогресс, 1993; Пигу А. Экономическая теория благосостояния. В 2 т – М.: Прогресс, 1985; Самуэльсон П. Экономика. В 2-х т. - М.: Алган, 1992; Хикс Ж.Р. Стоимость и капитал. Пер.с англ - Р.М.: Прогресс, 1993; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и практика. В 2-х т.: Пер. С англ. 10 изд. - Т. 2 - М.: Республика, 1992; Фридман В.М. Если бы деньги заговорили.-М.: 1998.

² Абалкин Л. Качественные изменения в структуре финансового рынка и бегство капитала из России // Вопросы экономики, 2000. - №2; Дедиков А.И. Инвестиции и структура экономики Украины - Киев, 1995; Найденов Г, Полетаев А. Новые формы инвестирования. Учебное пособие.-М.: М.В.- Центр, 1997; Фальцман В.К. Оценка инвестиционных проектов. -М.: ТЕИС, 1999; Энтов Р. Инвестиции: финансирование и оценка экономической эффективности. -Минск Вуз-Юнити 1996.

³ Гулямов С.С. Анализ проектов - Т.: Молия, 1996; Вахабов А.В.ва бошқ. Хорижий инвестициялар.Ўқув кўлланма. – Т.: «Молия», 2010; Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2003; Юлдашев Ш.Г. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси миллий тақдор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш ва эркинлаштириш омили сифатида. - Т.: 2002.

⁴ Имомов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. – Т., 1993.

Д.Д.Рустамова, С.С.Насретдинов, Н.Н.Обламурадларнинг номзодлик диссертацияларида иқтисодий эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари, миллий иқтисодий модернизациялашда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари тадқиқ қилинган¹.

Шу билан бирга иқтисодий адабиётларда иқтисодий модернизациялашда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ҳозирги кунда, мамлакатни модернизация қилиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонда салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг хусусиятлари ва устувор йўналишларини тадқиқ этиш зарурияти ушбу илмий иш мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва устувор йўналишларини аниқлаш асосида республикамызда инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш;
- миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва роли аниқлаш;

¹ Рустамова Д.Д. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006. 23 б.; Насретдинов С.С. Миллий иқтисодий модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:2008. 24 б.; Обломуротов Н.Н. Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2008. 24 б.

- иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганиш;
- инвестициялар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини тавсифлаш;
- мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш;
- иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва услубларини кўриб чиқиш;
- республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш хусусиятларини тавсифлаш
- Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш йўллари аниқлаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларига жалб этилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз иқтисодиётининг инвестициялар жалб қилинган соҳалари, тармоқлари ва корхоналари фаолияти белгиланди.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил, экспорт баҳолаш, прогнозлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг гипотезаси шундан иборатки диссертацияда келтирилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича илмий прагнозларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- республикамизнинг инвестиция солоҳиятини таҳлил қилиш асосида ундан самарали фойдаланиш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари аниқланган;
- мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган;
- иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасининг ижобий томонларини республикамизда ижодий қўллашга қаратилган тавсиялар таклиф этилган;
- мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан инвестициялардан фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан тегишли давлат ва маҳаллий бошқарув органлари ҳамда ташкилотлар томонидан иқтисодиётни модернизациялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиқтисодиёт”, “Инвестициялар”, “Хорижий инвестициялар” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, у 8 та жадвал ва 5 та расмни ўз ичига олган. Диссертациянинг матни 100 бетни ташкил қилади.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва роли

Инвестицияларни жалб қилиш барча давлатлар учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожланишнинг стратегик дастурларини амалга ошириш, янги бозорларни эгаллаш қўшимча маблағ қўйилмалари талаб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвесторлари иштирокини кенгайтирлмай туриб иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши иқтисодий имкониятларнинг кенгайишини жадаллаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва захираларни ишга солиш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш орқали бақарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётни жадал ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб этади. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи омил бўлиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш талаб этилади.

“Инвестициялар” – чет элда келиб чиқган сўз бўлиб (лотинча “investire”, немисча “investition”), таржимада – ўз мамлакатада ёки хорижда даромад ва ижтимоий самара олиш мақсадида корхоналарга, ижтимоий – иқтисодий дастурлар, лойиҳаларга капитални узоқ муддатга қўйиш маъносини англатади.

“Инвестициялар” ибораси Ўзбекистонда бозор ислохотлари йилларида кенг қўлланила бошланди.

Республикаимиз ва чет эл илмий адабиётларида инвестициялар тушунчасининг қатор таърифлари мавжуд.

Нобель мукофоти лауреати У.Ф. Шарпнинг “Инвестициялар” дарслигида ёзилишича “Инвестициялар келгусида (эҳтимол, номаълум) бойлик олишни кўзлаб ҳозирги вақтда маълум бойликдан воз кечишликдир”¹.

Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лазовский, Е.Б. Стародубцевлар “Инвестициялар давлатга қарашли ёки хусусий капитални ўз мамлакатига ёки четга даромад олиш мақсадида турли тармоқлар корхоналари, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий - иқтисодий дастурлар, инвестицион лойиҳаларга узоқ муддатга жойлаштиришдир”² деб таъриф берадилар.

Ш.Р.Ғофуров, В.И. Гугнин, С.Н. Омоновлар “Инвестициялар капитални у ёки бу юридик мустақил корхоналарга узоқ муддатга (энг камида бир йилдан ортиққа) қўшимча даромад олиш таъсирга эга бўлиш, маъкур соҳада ўзининг операцияларини ташкил этишга маблағларни қўйиш натижасида кўпроқ манфаатга эришиш мақсадида жойлаштиришдир”³ – деб таъкидлайдилар.

Д.Д.Рустамова инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: “Инвестициялар – қонунан таъқиқланмаган барча тадбиркорлик фаолиятларига жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат томонидан даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида муайян муддатга сарфланадиган барча мулкӣ,

¹ Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции. Пер.С. англ. – М.: ИНФРА – М, 1999. – XXI, - С. 979.

² Райзберг Б.А. Лазовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современные экономический словарь – 3-я изд., перераб и доп. – М.: ИНФРА – М, 2001. – С. 145-146.

³ Ғофуров Ш.Р., Гугнин В.И., Омонов С.Н. язык бизнеса. Термины. Под общей редакций д.э.н. В.А.Чжена. – Т.: “Шарк”, 1995 – С.171.

молиявий ва интеллектуал бойликлардир”¹.

Д.Ғ.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиевлар “Инвестициялар – барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликларни узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида халқ хўжалиги тармоқларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради”² – деб таъкидлайдилар.

Инвестициялар тушунчасининг энг қўп тарқалган ва тез-тез учраб турувчи қуйидаги таърифни келтириш мумкин: бу ўз мамлакати ва хорижда турли тармоқлардаги корхоналар, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоӣ-иқтисодий дастурлар, инновацион лойиҳаларга даромад олиш ёки бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида пул маблағлари ва бошқа капитални узоқ муддатга киритилишидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияларга қуйидаги таъриф берилган: “Инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”дир³.

Ўз мамлакатаида капитал қўйилмалари фақатгина даромад олиш мақсадида эмас, балки жамиятнинг ижтимоӣ эҳтиёжларини қондириш учун ҳам киритилади.

“Инвестициялар” ва “капитал қўйилмалари” маъноси бўйича бир-бирига яқин сўзлар бўлиб, баъзи муаллифлар уларни синонимлар деб ҳсоблайдилар.

Инвестиция фаолияти – бу даромад олиш ва фойдали самарага эришиш мақсадида мақлағларни қўйиш (инвестициялаш) ва амалий ҳадди-ҳаракатни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида таъкидланишича “Инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти

¹ Рустамова Д.Д. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Икт.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2006, - Б. 15-16.

² Ғозибеков Д.Ғ. Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: ТМН, 1997. – Б.27.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 24 декабрь. // Солиқ ва божхона хабарлари, 1999 йил. 4-сон, - Б.3.

субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуи”дир¹.

Инвестиция фаолиятига инвестициялаш – қурилиш жараёнлари киради. Уларсиз асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришни (янги қурилиш, техник қайта жихозлаш, корхоналарни кенгайтириш, қувватларни ошириш) тасаввур қилиб бўлмайди.

Инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Давлат бюджети, давлат молиявий маблағлари ҳисобига ташкил топадиган давлат инвестициялари;
- Чет эл инвестициялари, бошқа давлатлар чет эл банклари, компаниялари, тадбиркорлари томонидан йўналтириладиган хорижий инвестициялар;
- Хусусий, корпоратив корхоналар ва ташкилотлар, фуқароларининг ўз маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобига ташкил топадиган хусусий инвестициялар.

Шунингдек инвестицияларнинг янги корхоналарни қуриш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтириладиган ишлаб чиқариш инвестициялари; интеллектуал, маънавий маҳсулотларни яратишга йўналтириладиган интеллектуал инвестициялар; бошқа компаниянинг 50 фоиздан ортиқ овозга эга акцияларини ўзлаштиришни таъминловчи тўғридан-тўғри, назорат қилинувчи ва бошқа компаниянинг 50 фоиздан кам овозга эга бўлган акцияларига эгаликни таъминловчи, назорат қилиш имконини бермайдиган инвестициялар турлари мавжуд.

Инвестиция фаолияти турли манбалар ҳисобига молиялаштирилади ва уларнинг амалдаги таркиби турли иқтисодий жараёнларга боғлиқдир. Бугунги кунда республикада инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбалари бўлиб бюджет маблағлари, корхоналар маблағлари, аҳолининг бўш пул маблағлари, банкларнинг кредитлари, чет эл юридик ва жисмоний

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 24 декабрь.

шахсларининг маблағлари ҳимобланади. Ҳозирги даврда инвестицияларни молиялаштиришнинг хусусий ва нобюджет манбаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида такидлаганларидек «Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилгига нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг умумий умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.»¹

Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизни муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш муҳим омилга айланди.


Мамлакатимизда инвесторлар учун кўп жihatдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва проференциялар тизими яратилган. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳижми йилдан йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

ижтимоий инвестицияларга бўлинган. Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакиллари ривожлантиришга кўшиладиган инвестициялар, инновация инвестициялари жумласига техник ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқариш ва ўзлаштиришга кўшиладиган инвестициялар, ижтимоий инвестициялар жимласига эса инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шакиллари ривожлантиришга кўшиладиган инвестициялар киритилган¹.

Инвестициялардан фойдаланиш йўналишларини қуйидагича ифодалаш мумкин(1.1.1. расм).



1.1.1.-расм. Инвестициялардан фойдаланиш йўналишлари.²

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 24 декабрь. // Солиқ ва божхона хабарлари, 1999 йил. 4-сон, - Б.3.

² Турли манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Маълумки, инвестициялар фаолиятининг ким томонидан амалга оширилиши нуқтаи назаридан ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Ички инвестициялар – мазкур мамлакат ҳудудида инвестиция фаолиятини юритаётган ҳўжалик субъектлари, яъни инвесторлар томонидан иқтисодиётга йўналтириладиган инвестициялардир.

Ташқи инвестицияларга Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунида қуйидагича таъриф берилган: “Чет эл инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвесторларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари, деб эътироф этилади”¹. Чет эллик инвесторлар хорижий давлатларнинг юридик шахслари, фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин.

Ташқи ёки хорижий инвестициялар – чет эл мукдорларининг мутлоқ бошқа мамлакат иқтисодиётининг қонун томонидан таъқиқланмаган турли соҳаларига юқори даражада даромад олиш, фойдали самарга эришиш мақсадида муайян муддатга сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлардир.

Хорижий ва ички инвестицияларнинг бир-биридан фарқи, уларнинг манбалари ва капитал эгалари жиҳатидан ҳудудий жойлашиши ҳамда олинган натижага эгалик қилиш муносабатларида ўз аксини топади.

Йўналиш объектига кўра инвестициялар молиявий ва реал инвестицияларга бўлинади.

Молиявий инвестициялар – бу муомалага чиқарилган қимматли қоғозларга, шунингдек банк депозитларига маълум муддатга жалб қилинган

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30апрел. // СОлик ва божхона хабарлари, 1998 йил, 24-сон, - Б.3.

кўйилмалар, бошқача айтганда акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга кўйиладиган инвестициялардир.

Реал инвестициялар – бу молиявий, мулкӣ интеллектуал ва бошқа бойликларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга сафарбар этилишидир. Инвестиция даври инвестиция ресурсларини шакиллантириш ва ишлатиш жараёнларини ўз ичига олувчи бир қатор босқичлардан иборат. Реал инвестиция ресурсларини шакиллантириш ва улардан фойдаланиш ўз ичига тайёрлаш ва асослаш, қурилиш – монтаж ишлари ва ўзлаштириш жараёнларни олади. Буни 1.1.2-расмдан кўриш мумкин.



1.1.2-расм . Инвестициялашнинг асосий босқичлари¹

¹ Насритдинов С.С. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқт.фан.номзод.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакиллантирадиган омиллар қуйидаги (1.1.1 - жадвалда) келтирилган.

Мамлакатдаги иқтисодий аҳволни таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар (ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши суръатлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси ва ҳоказолар) аynи вақтда етарлича барқарор динамикага эга ва қулай инвестиция муҳитини шакиллантиришда салмоқли қафолат ҳисобланади.

1.1.1.-жадвал

Мамлакат инвестиция муҳитининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар¹

Омиллар	Мазуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қурилиш хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари.
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келдиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомилар, йўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хом ашё ресурслари	Минерал, хом ашё, ёқилғи энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари.
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишшишлик даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асоси ишлаб чиқариш фондларининг, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, усқуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларнинг эскириши даражаси
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодий ривожланишга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ИТТКИ соҳасининг ривожланиши ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсат, иқтисоднинг реал сектори корхоналарнинг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нрх сиёсати ва нархни шакиллантириш сиёсати
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиш ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиши даражаси, радиацион фон, зарарли чиқиндилар.

Тошкент, 2008, - Б.17.

¹ Вахобов А.В. Ҳожибоқиев Ш.Х. Муминон Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма (и.ф.д., проф. А.В. Вахобовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2010, - Б.174.

Инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат ички бозор сиғимининг катталиги хорижий инвесторлар учун муҳим омил ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ички бозор истеъмол товарлар билан ҳали тўлиқ тўйинтирилмаган, шу боис аҳоли ялпи талабининг сезиларли қисми импорт ҳисобига қондирилади.

Капитални ташқаридан жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорлар инвестициялаш учун қулай муҳитни шакиллантиришга кўмаклашадиган рағбатлар тизимини таклиф қилишдир. Республика қонунчилиги томонидан мустақил йилларида қабул қилинган имтиёзлар ва рағбатлар етарли миқдорда бўлиб, инвесторлар фаолиятининг ҳамма жихатларини қамраб олган.

Ўзбекистон юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникавий салоҳиятга эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, самалиётлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модефикациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ташкил қилишга эришилди.

Республиканинг хорижий инвесторлар учун юқори жозибадорлигининг яна бир муҳим омили бой ресурс базасининг мавжудлигидир.

Республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг асосий мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил асосида мамлакатимиз инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Бу сиёсат биринчи навбатда, инвестициялаш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакиллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган инвестиция сиёсати миллий ва хорижий инвесторларнинг хўжалик фаолиятини юритишлари учун қулай шароитлар яратмоқда. Иқтисодиётни

модернизациялаш шароитида корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаоллигини ошириш, республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилда ва ушбу дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши республикамизда иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш имконини беради.

Инвестицияларни йўналтириш асосида сўнги йилларда умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий – Нукус, 223 километрлик Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобил йўли ва бошқа транспорт коммуникация тизими иншоотлари қурилиб ишга туширилди.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил этилгани чет эл инвестицияларини элб этишда кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижиц шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборат.

Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди.

Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион

доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди.¹

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини яратилгани боис қисқа муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг қўламли инвестициялар бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик, нефть-кимё, электроника тармоқлари вужудга келди. Темир йўл вагонлари ишлаб чиқариладиган ва верталётларни тўмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

Энергетика, қора ва рангли металлургия, ёнилғи ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари каби иқтисодий етакчи соҳаларини техник модернизациялаш амалга оширилди. Хорижий инвестицияларни жал қилиниши гўшт-сут маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни қайта ишлашнинг моддий-техника базасини кескин янгилашга ёрдам берди.

Маҳаллий хом-ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, қайта ишловчи тармоқларнинг мамлакат саноат мажмуасидаги улушини кўпайтириш экспортни янги тузилмасини шакиллантиради, унда салмоқли ўрин тайёр буюмлар ва чуқур қайта ишлаш даражасига етказилган маҳсулотлар эгаллаган.


Инвестиция муҳитини шакиллантиришда инфратузилма бўғинларини ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капиталнинг оқиб келишига хизмат қилувчи, қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Модернизациялшнинг биринчи босқичида институционал ислохотлар амалга оширилади. Ушбу босқичда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг тартиб қоидалари келишилади ва ўзгаради. Иккинчи босқичда иқтисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этишнинг муҳим дастаклари танланади ва амалиётга жорий этилади. Ушбу дастаклар институтционал ўзгаришларнинг

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

асосини ташкил этади ва миллий иқтисодиётнинг хаоқаро рақобат, жаҳон инқирози сингари ташқи омиллар таъсирига мослашишига хизмат қилади. Учинчи босқичда ижтимоий сиёсат амлага оширилади. Ушбу босқичда аҳолининг алоҳида гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни модернизация жараёнларига жалб этиш учун тегишли шарт шароитлар яратилади.

Маълумки модернизациялаш жараёнларини босқичма-босқич амалга оширилади (1.1.3 -расм)



1.1.3- расм. Модернизациялаш жараёнларининг босқичлари¹.

Расмдан кўринадики модернизациялаш жараёнлари ижтимоий сиёсат, иқтисодий сиёсат ва инвестицион солоҳият соҳаларини ўз ичига олади.

1.2. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш давлат, ташкилотлар ва корхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ Рустамов А. Принципы эволюционной модернизации переходных экономик. // Вопросы экономики. – Москва, 2009., - №7. – С.88.

Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг моҳияти- ҳар бир бирлик моддий, меҳнат ва молиявий харажат эвазига кўпроқ хажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар, фойда ва миллий даромадга эришишдан иборат.

Энг аввало “самарадорлик” ва “самара” тушунчаларининг моҳияти устида тўхталиб ўтишимиз лозим. Иқтисодий самара дийилганда ишлаб чиқариш хажмини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, миллий даромадни кўпайтириш ёки бошланғич ва жорий харажатларни камайтириш тушунилади. Ижтимоий самара халқ фаровонлигини ошириш, таълим даражасини ўстириш, бўш вақтни кўпайтириш ва бошқаларда намоён бўлади.

Самарадорлик (иқтисодий ва ижтимоий) иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг унга эришишга сарфланган харажатларга нисбатидир. Буни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

Самара (натижа)

$$\text{Иқтисодий самарадорлик} = \frac{\text{Унга эришишга сарфланган харажатлар ёки қўлланилаётган ресурслар.}}{\text{Унга эришишга сарфланган харажатлар ёки қўлланилаётган ресурслар.}}$$

Ижтимоий ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг мезони бўлиб ишлаб чиқариш харажатлари ёки ишлаб чиқаришда қўлланилган ресурсларга нисбатан миллий даромадни максимал кўпайтириш ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар самарадорлиги муаммоси доимо далзарб бўлган ва унга нафақат фонда, балки амалиётда ҳам катта эътибор берилган.

Собиқ иттифоқ Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида қатор йиллар давомида капитал қўйилмалари самарадорлигини аниқлаш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Натижада академик Т.С. Хачатуровнинг илмий раҳбарлигида капитал қўйилмаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг Намунавий (типовой) методикаси¹ ва соҳага харажатларнинг самарадорлигини аниқлашнинг вақтинчалик методикаси ишлаб чиқилган.

¹ Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг намунавий (типовой) методикасининг учинчи нaшри 1983 йилда чоп этирилган, кейинчалик у бир неча марта қайта нашр қилинган.

Кейинрок, 90-йилларда бошқа методикаларни тайёрлаш бўйича уринишлар бўлган, бироқ улар муваффақиятли чиқмаганлиги учун амалиётда кенг қўлланилмаган.

Т.С.Хачапуровнинг илмий раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ўша вақтдаги тегишли юқори органлар томонидан маъқулланга ва тасдиқланган капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг Намунавий (типовой) методикаси кенг қўлланилган ва унда ҳозирги вақтда ҳам фойдаланилмоқда.

Масалан, Россия Фанлар академияси ва Статистика вазирлигининг расмий нуқтаи назари бўйича халқ хўжалиги бўйича иқтисодий самаранинг миқдори умуман миллий даромад ҳажмининг ўсиши билан ўлчанади. Халқ хўжалиги бўйича иқтисодий самара унинг бўғинларида: тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларда юзага келадиган самарадан ташкил топади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир юқори бўғини самарадорлиги кўп жихатдан қуйида турувчи бўғиннинг самарадорлиги билан белгиланади. Бундан хўжалик юришнинг ҳамма даражаларидаги – корхона, ташкилот, бирлашма, тармоқ, бутун халқ хўжалиги даражасида самарадорликни ўрганиш зарурияти келиб чиқади.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришнинг пировард натижаси бўлиб инсонинг ўзи ва унинг эҳтиёжлари ҳисобланади. Шу сабабли ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг самарадорлигини соф иқтисодий самарадорлик эмас, балки ижтимоий – иқтисодий самарадорликнинг сифатида кўриб чиқиш лозим. Ҳар қандай иқтисодий жараённинг пировард натижаси бўлиб ижтимоий мақсадларга эришиш ёки ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ҳисобланади. Шулардан келиб чиқган ҳолда бозор иқтисодиётини шакиллантириш ягона мақсад эмас, балки ижтимоий мақсадларга эришиш воситаси бўлиши керак. Шунинг учун бозор иқтисодиётига баҳо беришда ижтимоий – иқтисодий самарадорликка эришиш нуқтаи назардан келиб чиқиши лозим.

Инвестицион режалаштириш ва лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг ҳисоб-китобини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш кўрсаткичлари ва тартиби капитал қўйилмалар ижтимоий самарадорлигини аниқлаш Намунавий методикасида¹ белгиланади.

Намунавий методикага биноан капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги режалаштиришнинг барча босқичларида аниқланади. Объектларнинг лойиҳалаштиришда самарадорлик икки турдаги кўрсаткичлар (коэффициентлар) капитал қўйилмаларнинг умумий (обсолют) иқтисодий самарадорлиги ва нисбий иқтисодий самарадорлиги орқали аниқланади.

Умумий иқтисодий самарадорлик нисбий бўлиб самаранинг уни олиш учун зарур бўлган харажатларга нисбати орқали аниқланади.

Капитал қўйилмаларнинг умумий (обсолют) иқтисодий самарадорлиги капитал харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқилади:

1. Алоҳида қурилиш лойиҳалари, объектлар, корхоналар бўйича.
2. Тармоқлар, хўжалик бирлашмалари бўйича.
3. Бутун халқ хўжалиги бўйича.

Иқтисодий самарадорлик коэффициенти билан бир қаторда капитал қўйилмаларининг ўрнини қоплаш муддатлари ҳам ҳисоблаб чиқилди.

Алоҳида корхоналар, қурилишлар ва объектлар, алоҳида тадбирлар бўйича капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади:

1. Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг коэффициенти ($C_{кп}$).
У фойданинг капитал қўйилмаларининг ҳажмига нисбати сифатида қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

$$C_{кп} = \frac{\Phi}{K \text{ (умумий)}} \quad \text{ёки} \quad C_{кп} = \frac{K - T}{K};$$

¹ Типовая методика определений экономической эффективности капитальных вложений. – М.: Экономика, 1989.

$$C_{\text{кп}} = \frac{Y - X}{K} \quad (\text{савдода}).$$

Бу ерда: Φ – режалаштирилган давр бўйича йиллик фойда (бир йил, беш йиллик); K – Объектларни куришга капитал қўйилмалар (курилатган объектнинг смета қиймати); Q – Корхона улгуржи баҳоларидаги (соликсиз) бир йилда ишлаб чиқарилган (лойиха бўйича) маҳсулот қиймати; T – Бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннари; Y – Савдо устамаси (савдо чегирмалари ва устамалари) суммаси; X – муомала харажатлари суммаси.

2. Капитал қўйилмаларнинг ўрнини қоплаш муддати ($M_{\text{кп}}$). У капитал қўйилмалар ҳажмининг фойдага нисбати кўринишида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$M_{\text{кп}} = \frac{K}{\Phi} \quad (\text{ҳамма корхоналар, курилишлар ва объектлар бўйича умумий}).$$

$$M_{\text{кп}} = \frac{K}{Q - T} \quad (\text{ишлаб чиқариш соҳасида}).$$

$$M_{\text{кп}} = \frac{K}{Y - X} \quad (\text{савдода}).$$

Алоҳида тармоқлар, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари бўйича ўз маблағларидан ва банк кредитларидан фойдаланилганлигида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

Капитал қўйилмалари иқтисодий самарадорлиги коэффиценти ($C_{\text{кп}}$). Умумий фойда ўсишининг бу ўсишни келтириб чиқарган капитал қўйилмаларга нисбати сифатида, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{\text{кп}} = \frac{\Delta\Phi}{K},$$

Бу ерда: $\Delta\Phi$ – капитал қўйилмалар келтириб чиқарган йиллик фойданинг ўсиши;

K – объектларни қурилишга капитал қўйилмалар

Капитал қўйилмалар ўрнини қоплаш муддати ($M_{кт}$). У капитал қўйилмаларнинг йиллик фойданинг ўсишига нисбати кўринишида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{кт} = \frac{K}{\Delta\Phi},$$

Бутун халқ хўжалиги бўйича умумий иқтисодий самарадорлик қиёсий баҳоларидаги миллий даромад йиллик ўсишининг бу ўсишни келтириб чиқарган капитал қўйилмаларга нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{хх} = \frac{\Delta Д}{K},$$

Бу ерда: $C_{хх}$ – бутун халқ хўжалиги бўйича капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи (коэффициенти);

$\Delta Д$ – йиллик миллий даромаднинг ўсиши, сўм;

K – бу ўсишни келтириб чиқарувчи капитал қўйилмалар, сўм.

Бутун халқ хўжалиги бўйича капитал қўйилмаларнинг ўрнини қоплаш муддати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{хх} = \frac{K}{\Delta Д},$$

Капитал қўйилмаларнинг умумий (обсолют) иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш натижасида олинган кўрсаткичлар меъёрлар ва олдинги даврдаги ўхшаш кўрсаткичлар билан таққосланади.

Капитал йўйилмалари агар олинган кўрсаткичлар меъёрларидан ва ўтган даврдаги ҳисобот кўрсаткичларидан паст бўлмаган тақдирдагина иқтисодий самарадор деб тан олинади.

Капитал қўйилмаларнинг ҳалқ хўжалиги бўйича умумий (обсолют) самарадорлигининг меъёрий кўрсаткичлари $E_n = 0,14$ даражасида қўлланилади:

- саноат учун $E_n = 0,16$;
- қишлоқ хўжалиги учун $E_n = 0,12$;
- қурилиш учун $E_n = 0,22$;
- савдо учун $E_n = 0,25$;

Истиқболда бу меъёрларнинг ҳижми меҳнат унумдорлигининг ўсиши, техника тараққиёти, маҳсулотларнинг материал сиғимкорлиги ва фонд сиғимкорлигининг камайиб бориши билан ошиб боради.

Капитал қўйилмаларнинг нисбий иқтисодий самарадорлиги аниқ хўжалик ва техник вазифаларни ҳал қилишнинг (масалан, янги техникани жорий қилиш ва корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича вариантни танлаш) тежамкор (мақсадга мувофиқ) вариантыни аниқлашга хизмат қилади. У бир вариант бошқа вариантга нисбатан қанчалик яхшироқ эканлигини кўрсатади.

Капитал қўйилмаларининг нисбий иқтисодий самарадорлиги лайиҳаларнинг бир қанча варинатларини таққослашда ёки янги техникани танлашда кўриб чиқилди.

Капитал қўйилмаларнинг нисбий иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб сарф қилинган харажатлар минимуми ҳисобланади. Ҳар бир вариант бўйича сарф қилинган харажатлар самарадорлиги меъёрига асосан бир хил ҳажмга келтирилган жорий харажатлар ва капитал қўйилмалар суммасидан иборат. Қайси вариант энг кўп самарадорликни капитал қўйилмалар ва жорий харажатлар ўртасидаги қулай нисбатни таъминласа у шунчалик афзалликка эга бўлади. Аммо, шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир вариант камроқ капитал қўйилмаларни, бошқаси эса жорий харажатларни талаб этади. Бундай вазиятда капитал қўйилмаларни тежаладиган жорий харажатлар билан таққослаш ва

эришилган самарадорлик миқдорини унинг меъёрий кўрсаткичи билан солиштириш талаб этилади. Юқорида келтирилганидек, бутун халқ хўжалиги бўйича самарадорликнинг меъёрий коэффиценти 0,14 даражасида белгиланган. Алоҳида тармоқлар бўйича техник тараққиётни рағбатлантиришда самарадорликнинг меъёрий коэффицентини табақалаштиришга йўқ қўйилади. Саноат учун 0,16, қурилиш учун 0,22 даражасида белгиланган. Савдо учун умумий (абсолют) самарадорликнинг меъёрий $C_m = 0,25$ даражасида белгиланган.

Капитал қўйилмалар самарадорлигининг 0,14 га тенг бўлган меъёрий коэффицентидан келиб чиққан ҳолда капитал қўйилмалар ўрнини қоплашнинг меъёрий муддати 7,1 йилни $(1; 0,14)$ ташкил этади. $C_m = 0,25$ коэффицентидан эса у 4 йилга $(1; 0,25)$ тенг бўлади.

Нисбий иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$J_i + C_m \times K_i = \text{минимум},$$

Бу ерда : K_i – ҳар бир вариант бўйича капитал қўйилмалар;

J_i – ўша вариант бўйича жорий харажатлар;

C_m – капитал қўйилмалар самарадорлигининг меъёрий коэффиценти.

Маълумки қайси вариант энг кам харажатларни талаб қилса устунлик ўша вариантга берилади.

Фараз қилайлик, (лойиҳа) магазиннинг уч варианты мавжуд:

1- вариант :

- капитал қўйилмалар $K_1 = 3\,700\,000$ сўм ;

- йиллик муомала харажатлари $J_1 = 1\,600\,000$ сўм;

2-вариант:

- капитал қўйилмалар $K_2 = 3\,200\,000$ сўм ;

- йиллик муомала харажатлари $J_2 = 1\,650\,000$ сўм;

3- вариант:

- капитал қўйилмалар $K_3 = 3\,000\,000$ сўм;

- йиллик муомала харажатлари $J_3 = 1\,750\,000$ сўм.

Капитал қўйилмалари самарадорлигининг меъёрий коэффициенти $C_m = 0,25$. Булойиҳаларнинг қайси бири яхшироқ эканлигини аниқлаш талаб қилинади.

Сарфланаётган капитал қўйилмалар бўйича 3 – вариант яхшироқдир (уни амалга оширишга камроқ суммадаги капитал қўйилмалари талаб қилинади, яъни у энг арзондир, муомала харажатлари бўйича эса 1 – вариант яхшироқдир. Капитал қўйилмаларнинг нисбий иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқамиз. Бизнинг мисолимиздаги рақамларни формулага қўйиб қуйидагиларни оламиз:

$$1\text{- вариант: } 1\,600\,000 + 0,25 \times 3\,700\,000 = 2\,525\,000$$

$$2\text{- вариант: } 1\,650\,000 + 0,25 \times 3\,200\,000 = 2\,450\,000$$

$$3\text{- вариант: } 1\,750\,000 + 0,25 \times 3\,000\,000 = 2\,500\,000$$

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича иккинчи вариант бўйича харажатлар биринчи ва учинчи вариантларга нисбатан энг камдир. Бинобарин, иккинчи вариант энг яхшиси бўлиб ҳисобланади.

Учинчи вариантга нисбатан иккинчи вариант бўйича капитал қўйилмаларнинг ортиқчалиги 200 минг сўмни (3200000-3000000) ташкил этади; бироқ иккинчи вариант бўйича йиллик харажатлар учинчи вариантга нисбатан 100 минг сўмга (1750000 – 1650000) камроқдир.

Демак, иккинчи вариант бўйича 200 минг сўм суммалик қўшимча капитал қўйилмаларининг ўрни учинчи вариантга нисбатан жорий муомала харажатларини тежаш ҳисобига 2 йилда қопланади (200:100).

Капитал қўйилмалар нисбий иқтисодий самарадорлигининг мақсад муайян хўжалик ва техник вазифани ҳал қилишнинг тежамли (мақсадга мувофиқ) вариантыни аниқлашдир. У бир вариант бошқа вариантга нисбатан қанчалик яхши эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий соҳага харажатларни сарфлашнинг мақсади ижтимоий ва иқтисодий натижаларга (самараларга) эришишдир.

Ижтимоий соҳанинг ижтимоий натижаларига қуйидагилар киради:

- аҳолининг меҳнат ва ҳаёт кечириши шароитларини яхшлатиш;

- турли касалликлар билан касалланишни камайтириш;
- аҳолини маълумот даражасининг ўсиши;
- бўш вақтнинг кўпайиши ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

Ижтимоий натижаларни ўстиришнинг асосий омили бўлиб ижтимоий соҳанинг янги муассаса ва корхоналарини куриш ва мавжудларини кенгайтириш (таълим, тиббий хизмат, маданият муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, аҳолига майиший хизмат кўрсатувчи ва коммунал хўжалиги корхоналари ва бошқ.) ҳисобланиди.

Режалаштириш, лойиҳалаштириш ва лойиҳалар вариантларини танлаш, капитал харажатларининг амалдаги самарадорлигини таҳлил қилишда ижтимоий соҳада капитал харажатларининг самарадорлиги аниқланади.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган капитал қўйилмаларидан келадиган самара қуйидагиларда акс этиши мумкин:

1. натурал ўлчамларда (масалан, корхоналар қувватлари бирликларида, корхоналарнинг ишлаш қобилятида, объектларнинг сигимкорлиги ва бошқ.);

2. хизматлар турлари билан қамраб олиш кўрсаткичларида (масалан, 1000 яшовчига театрлар ва маданият уйларидаги жойлар сони, 1000 яшовчига шифохоналардаги жойлар сони, 1000 яшовчига магазинлар савдо майдонининг квадрат метрлари сони ва ҳ.к.);

3. қиймат шаклида (масалан, бир йилда сотиладиган хизматлар ёки маҳсулотлар ҳажми).

Ижтимоий соҳага харажатларнинг ижтимоий натижалари билан бир каторда иқтисодий - бевосита ва билвосита (сопутствующие) натижалар ҳам ҳисобга олинади.

Ижтимоий соҳага харажатларнинг бевосита иқтисодий натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик ҳисоби асосида тўла ёки қисман ишловчи ижтимоий соҳа корхоналари томонидан сотилган маҳсулотлар ва хизматлардан келиб тушган фойда;

- натурал ёки қиймат кўринишидаги маҳсулотлар ва хизматларни сотиш йиллик ҳажмининг ошиши.

Ижтимоий соҳа ичидаги харажатларнинг бевосита иқтисодий самарадорлик қуйидаги иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{ис} = \frac{\Delta\Phi}{K} \quad \text{ёки} \quad \frac{\Delta X}{K},$$

Бу ерда:

$C_{ис}$ – ижтимоий соҳа ичидаги харажатлар самарадорлиги кўрсаткичи;

$\Delta\Phi$ – ҳўжалик ҳисоби асосида тўла ёки қисман ишловчи корхоналарда хизматларни сотишдан келган фойданинг ўсиши, сўм;

K – бу ўсишни келтириб чиқарувчи капитал қўйилмалари, сўм;

ΔX - қиймат ёки натурал кўринишдаги маҳсулотлар ва хизматлар ни сотиш йиллик ҳажмининг ўсиши.

Ҳўжалик ҳисоби асосида амал қилувчи ижтимоий соҳа корхоналарига (шаҳар транспорти, туристик муассасалар, майишийкорхоналар ва бошқ) капитал қўйилмаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ишлаб чиқариш корхоналари бўйича мавжуд бўлган принципиал асосида бажарилади.

Шу билан бирга, капитал қўйилмалари иқтисодий самарадорлигининг аниқлашнинг намунавий методикасига¹ биноан, ижтимоий соҳага капитал қўйилмаларинининг умумий ва нисбий иқтисодий самарадорлигини аниқлашда билвосита (сопутствующие) иқтисодий натижалар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Билвосита иқтисодий натижалар ижтимоий соҳа ташқарисида, ижтимоий соҳанинг ишлаб чиқаришга ва бошқа тармоқларга таъсирини акс эттирган ҳолда ҳисобга олинади.

Масалан, соғлиқни сақлашга капитал қўйилмаларининг умумий иқтисодий самарадорлигини аниқлашда касалланишнинг камамайиши ва яшаш фаолияти,

¹ Типовая методика определения экономической эффективности капитальных вложений. – М.: Экономика, 1989.

ишлаш қобилиятининг узайиши натижасида бошқа тармоқларда амалдаги ишлаш вақти фондининг кўпайиши ҳисобга олинади.

Таълим тармоғига капитал қўйилмалари умумий иқтисодий самарадорлигининг аниқлашда ишлаб чиқаришган малакалироқ ходимларни ва бошқа кадрларини жалб қилиш эвазига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади.

Савдога харажатлар самарадорлигини аниқлашда товарларни сотиб олишга кетадиган вақтнинг қисқартириш ва бўш вақтнинг кўпайиши ҳисобига олинади.

Капитал қўйилмалари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш Намунавий методикасининг 52 бандига биноан аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар ва муассасаларда (савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш) капитал қўйилмалар самарадорлигини ҳисоблашда хизматлардан фойдаланишга сарфланадиган вақт қиймат шаклида баҳоланиши лозим.

Шундай қилиб, ижтимоий соҳага капитал қўйилмаларининг умумий (обсалют) самарадорлиги самара ўсишининг унга эришиш учун зарур бўлган сарфланган харажатлар суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Умумий иқтисодий самарадорликнинг ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишга эга.

$$C_{ис} = \frac{\Delta C_{ис}}{(Ж + E_{мК})},$$

Бу ерда:

$C_{ис}$ – умумий (обсалют) самарадорлик кўрсаткичи;

$\Delta C_{ис}$ – натижанинг (самаранинг) йиллик ўсиши;

$Ж$ – Хорижий йиллик харажатлар, сўм;

$E_{м}$ – самарадорликнинг меъёрий коэффиценти;

$К$ – капитал қўйилмалар, сўм.

Умумий (обсалют) самарадорликнинг олинган кўрсаткичлари меъёрий кўрсаткичлар ва олинган даврда амалда эришилган худди шундай кўрсаткичлар билан сотилштирилади.

Ижтимоий соҳадаги нисбий самарадорликни ҳисоблаш айнан ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳисоблаш сингари амалга оширилади. Нисбий самарадорликни ҳисоблаш капитал қўйилмаларининг энг яхши вариантыни танлаш имконини беради.

Билвосита иқтисодий самара қиймат шаклида баҳоланади в ижтимоий соҳа тармоғи миқёсида ҳисобланганда хорижий харажатлардан чегириб ташланади. Ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Ж - C_k + E_m K \rightarrow \min,$$

Бу ерда:

C_k – билвосита иқтисодий самарани қиймат бўйича баҳолаш.

1.3. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий жойлаштириш ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўп мамлакатларда турли ёндашувлар мавжуд, бироқ улар бир-биридан диярли фарқ қилмайди. Бу давлатларда минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш мақсадлари қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- ривожланиш жиҳатидан орқада қолаётган минтақаларда иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- марказий ҳокимият органларининг катта қисмини маҳаллий бошқарув тизими зиммасига юкланиши;
- йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришнинг тўпланишини чеклаш;
- янги ўзлаштирилган ҳудудларда ишлаб чиқарувчи кучларни

жойлаштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш.

Минтақавий инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг энг оммавий услубларидан бири бўлиб ҳудудларни ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Масалан, 1975 йилда Европа Иттифоқи қошида ҳудудий мувофиқлаштириш жимғармаси ташкил этилган. Бошқа қатор мамлакатларда ҳам айрим ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида махсус жамғармалар (Италияда давлат субсидияси ҳисобига фаолият олиб борадиган ва жанубий ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган “Жанубий хазинаси”; Балгарияда баъзи ҳудудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича жамғарма, Венгрияда учта мақсадли жамғармани барлаштирувчи ҳудудларни ривожлантириш марказий жамғармаси ва бошқалар) тузилган

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундан иборатки уларда йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар бўлиб губерниялар, штатлар, провенциялар эмас, балки шаҳарлар ва муниципалитетлар ҳудудий мувофиқлаштириш маконлари ҳисобланади. Буларга, жумладан, Францияда кам ривожланган Жанубий-Ғарб минтақасининг 9 та агломерацияси ва 17 та шаҳар, Испанияда 10 та “ривожланиш марказлари” ва 2 та “саноатни рағбатлантириш марказлари”, Японияда 10 та “саноатнинг ривожлантиришнинг алоҳида рийонлари” ва 6 та “янги саноат шаҳарлари”, Италияда 12 та “саноатни ривожлантириш ареаллари” ва 26 та “индустриализация ядролари”, Германияда 300 та “муҳим аҳоли пунктлари” ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.¹

Нидерландия ва Белгиянинг бу соҳадаги тажрибаси айниқса диққатга сазовордир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки минтақалардаги шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича қонун биринчи мартта 1915 йилда Белгияда қабул қилинган.

¹ Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ. 2007, - Б.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида минтақавий инвестиция сиёсати ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқган ҳолда турлича қўлланилиши мумкин.

Хитой халқ республикасининг иқтисодий ривожланиш модели ва хорижий инвестицияларни жалб этиш тажрибаси Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги хусусиятлар ундаги демократик вазиятнинг ўзига хослиги қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётидаги юқори аҳамияти қайта ишлаш саноатининг кам тараққий этганлиги унинг аграр-индустриал мамлакат эканлиги ўзига хос ижтимоий шарт-шароитлар билан тафсифланади.

Бу мамлакатнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда эришган ютуқлари эса кўп жihatдан унинг минтақаларида қулай нвестиция мухитининг яратилганлигига боғлиқ. Хитойда ишчи кучи қийматининг арзонлиги ердан фойдаланиш ишлаб чиқаришга киритилган капитал учун кенг кўламли имтиёзлар ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқа ҳолатлар бу мамлакатнинг сўнги йиллар ичида хорижий инвесторлар учун капитал киритиш объектига айланишига олиб келди.

Хитойда шакилланган бож белгилаш тартиби ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта қонунчилиги хорижий инвестициялар кириб келишига қулоғ имкониятлар яратди.

Хитойнинг минтақалар иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати йиллар давомида такомиллашиб келмоқда. Бу сиёсатнинг ривожланиш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин.¹

Биринчи босқич, ўз ичига 1979-1982 йилларни қамраб олади. Бу босқичда Хитойда “очиқ эшиклар” сиёсати шакилланди. 1980 йилларнинг бошида маҳаллий ҳукуматларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бу даврда хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилди.

¹ Рустамова Д.Д. Иқтисодиёни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: Иқт.фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 2006.. – Б. 45-46.

Иккинчи босқич, 1983-1991 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати такомиллаштирилди. Мамалакатда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга асосан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар берилди. Улар учун даромад солиғининг ставкаси 33 фоизгача камайтирилди. Баҳолабки бу даврда маҳаллий корхоналар учун даромад солиғи 55 фоизни ташкил қилир эди. Агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини махсус иқтисодий зоналарда амалга ошираётган бўлсалар, улар учун бу сатвқа яна ҳам камроқ миқдорда, яъни 15 фоиз даражасида белгиланган эди.

Учинчи босқич, 1992 йилда ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг улар учун ёпиқ бўлган молия, суғурта ва бошқа соҳаларга ҳам жал этилиши айнан 1992 йилдан кегин бошланди. Бундан самарали ислохотлар натижасида Хитой XXI аср бошида хорижий инвестициялар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланди.

Ривожланган мамлакатлар орасида Япониянинг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида афзалликларга эга. Аниқ мақсадга йўналтирилган узок муддатли минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида Япония тарихан қисқа давр ичида дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилди.

Япониянинг минтақавий инвестиция сиёсати ер ва табиий ресурсларнинг чекланганлигини, кишилар фаолиятини табиий шароитларга мослаштириш шаруриятини мамлакат турли ҳудудлари аҳолисининг турмуш даражасидаги фарқларни камайтириш талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида минтақавий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, жамият ва давлат олдида турган мақсадлар ва вазифалардан уларнинг миқёси ва амалга ошириш имкониятларида келиб чиқиб белгиланади. Японияда инвестициялар ва ишлаб чиқариш қувватларини кам ривожланган минтақаларга жалб этишнинг тез мослашувчан ва қулай усуллари қўлланилади.

Самарали инвестиция сиёсати, аввало тегишли равишда хозирги замоннинг ички ва ташқи талабларига жавоб бериши керак. Бу талабларнинг энг миқёслиги шубҳасис глобализациядир.

80-90 йилларда товарлар ва молия бозорлари, меҳнат бозорлари, ривожланиш институтлари, ишлаб чиқариш ва логистика тизимлари, савдо тизимлари (БСТ 1995 йил), интеллектуал мулкга ҳуқуқларнинг (интеллектуал мулкни сотиш жиҳатлари ҳуқуқи бўйича битим TRIPS, 1995 йил) глобаллашуви содир бўлди.

Глобаллашувнинг муҳим натижаси бўлиб жаҳон иқтисодиётидаги “тектаник” силжишлар ҳисобланади. Бу силжишларнинг моҳияти Хитой ва Хиндистоннинг бу жараёнларга таъсирининг тобора ошиб боришидир. Иқтисодий ўсиш юқори суръатларининг узок давр давом этиши харбий имкониятларнинг кенгайиб бориши юқори технологияларни фаол жорий қилиб бориш аҳоли сонининг тезлик билан ўсиши каби омиллар бу мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий қудратининг шиддат билан ошиб боришига имконият яратмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мақсадга мувофиқ механизмини излаб топишда нисбатан қисқа давр мобайнида иқтисодий ривожланишда улкан натижаларга эришган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир. Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан фарқли равишда бу мамлакатлар тажрибаси шуниси билан қизиқиш уйғотдики, аввалда ривожланиш даражаси бўйича Ўзбекистонга яқин бўлган ҳолда инвестиция сиёсатини амалга оширишда катта натижаларга эришдилар.

Хитойда инвестиция сиёсати ислохотлари ва бозор механизмлари иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида амалга оширилди, иқтисодиётнинг “қизиб” кетиши босқичида эса тартибга солишнинг маъмурий методларидан кўпроқ фойдаланилди. Хитой “иқтисодий ғарабиёти” бир қанча таянч моментларга асосланади: қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, солиқларни камайтириш, давлат харажатларини қисқартириш, эркин иқтисодий ҳудудларни

ташкил этиш (экспортни эркинлаштириш). Хитой маъмурияти ҳали жаҳон иқтисодий амалиётида кузатилмаган солиқларни - 1979 йилда ЯИМга нисбатан 30,4 фоиздан 1996 йилда 10,3 фоизгача камайитишни амалга оширдилар. Бу салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келмади, чунки шу вақтнинг ўзида барча давлат харажатлари 36,4 фоиздан 13,1 фоизгача қисқариб борди.¹

Хитой инвестиция сиёсатининг воситаларидан бири бу инвестицияларга солиқлардир. Бу восита орқали ҳукумат капитал курилишининг меъёрдан ортиқ ўсибборишига қарши курашди. Бироқ, агар корхоналар технологикмодернизациялаш учун ички бозордан жиҳозларни сотиб оладиган бўлса улар ялпи фойданинг 40 фоизига тўланадиган солиқдан озод бўлиш имтиёзидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

90-йиллар охирларида, ЯИМнинг ўсиш суръатлари тушиб кетганида ҳукумат давлат ғазначилик мажбуриятларини эмиссия қилиш орқали инвестиция фаоллигини рағбатлантиришга киришди. 1998-2002 йиллар мобайнида мазкур восита ёрдамида 80,5 млрд. АҚШ долл. жалб қилинди, яъни, ирригация иншоотларини, автомобиль йўлларини, аэропортлар, дон сақлаш омборларини қуришга, ўрмонларни яратиш ва қисман давлат корхоналарини модернизациялашга сарфланади.

Хиндистон инвестиция сиёсати самарадорлиги тўғрисида 4,1 га тенг бўлган глобал рақобатбардошликнинг юқори индексининг (Египт, Хорватия ва Чехия даражаси), ва шунингдек сўнгги йилларда тайёр маҳсулотларнинг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этувчи экспорт таркибининг яхшиланиши далолат беради.

Иқтисодий ва инвестициявий фаолликнинг қатор кўрсаткичлари бўйича Хиндистон дунёнинг ривожланаётган давлатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. ЯИМнинг ўртача ўсиш суръатлари 2000-2004 йилларда (Жаҳондаги ривожланаётган давлатлар бўйича 4,5 фоиз ўртача кўрсаткичга нисбатан) 5,7 фоизни, ялпи инвестициялар эса 5,2 фоизга нисбатан) 7,7 фоизни ташкил этади.

¹ Механизм инвестиции: международный опыт в контексте Узбекистан.// Экономическое обозрение. – Ташкент, 2007. - №7. – С.16.

Динамик иқтисодий ривожланишнинг омилларидан бири аввало иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички манбаларини фаоллиштиришга қаратилган пухта ўйланган инвестиция сиёсати бўлиб ҳисобланади. Бу тўғрисида ялпи ички жамғармаларни (охирги 5 йил давомида ЯИМга нисбатан 21,6 фоиз), ялпи инвестицияларни баҳолаш (22,5 фоиз) далолат беради, Бу жаҳондаги ривожланаётган давлатлар бўйича тегишли равишда 18,6 ва 20, 9 фоизни ташкил этади.¹

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини инвестициялашда қуйидаги устувор деб белгиланди: саноатнинг хом ашё ишлаб чиқармайдиган тармоқлари; нобанк молия хизматлари; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш; инфратузилма-автомогистралларни, бандаргоҳларни, электроэнергетика объектларини, оммавий тезюрар транспорт тизимларини қуриш; фуқаролар авиацияси, медицина ва фармоцевтика; меҳмонхона бизнеси ва туризм; электрон жихозлар ва дастурий таъминт; хусусий нефтни қайта ишлаш корхоналари; минерал хом ашёни қидириш ва қазиб олиш; маслаҳат хизматлари ва бошқалар.

Кичик тадбиркорлик учун ациянерлик капиталига хорижий инвестициялар ҳажми бўйича махсус чекловлар амал қилади. Бе сектор корхоналарига устав капиталида хорижий иштирок 24 фоизгача ҳажмда бўлишига рухсат берилган. Хорижликлар иштироки бу даражадан ошиб кетган тақдирда корхона маҳсулотнинг 50 фоизини мажбурий экспорт қилишини кўзловчи ишлаб чиқариш лицензиясини олиш керак бўлади.

Хиндистон инвестицияларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича 20 дан ортиқ мамлакатлар билан халқаро ва икки томонлама битимларни тузган. Бу битимлар инвестицияларнинг эркин ҳаракат қилиши ва қайтарилиши имконини берадилар; миллийлаштиришга; агар улар мамлакат миллий манфаатларига зид келмаса йўл қўймайдилар.

Чили минтақада ва унинг ташқарисида инвестициялар учун “платформа” сифатида ўзини намоён этади. “Платформа” ғояси Чилининг Хорижий

¹ Механизм инвестиций: Международный опыт в контексте Узбекистана // Экономическое обозрение. – Ташкент, 2007. - №7. – С.16.

инвестициялар бўйича кўмитаси томонидан 2002 йилда таклиф қилиниб, шу пайтдан бошлаб ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда.

Чили миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш бўйича ютуқларга эришган мамлакат бўлиб ҳисобланади. Глобал рақобатбардошлик индекси бўйича (4,9) 2006 йилда мамлакат жаҳоннинг ривожланаётган давлатлари орасида (Малайзиядан юқори ва Исроилдан бироз пастроқ) юқори ўринни эгаллади ва барча Лотин Америкаси мамлакатларидан ўзиб кетади.

Ижобий халқаро рейтинглар, инвестициявий муҳитнинг қулайлиги даражасининг юқори баҳоси, фаол ташқи сиёсат ва ҳукуматнинг хўжалик ҳаётини эркинлаштириш йўлини танлаш ташқи инвесторларда ижобий фикр уйғатмоқда.

Хорижий инвесторларни тартибга солишнинг асоси бўлиб 1947 йилдан бери амал қилиб келаётган хорижий инвесторлар тўғрисидаги Декрет-қонун бўлиб ҳисобланади. У хорижий капитални ҳимоя қилиш кафолатлари бўйича дунёда энг такомиллашган ҳужжатлардан биридир. Декрет-қонунга асосан инвесторларга миллий режим тақдим этилган, қўлга киритилган фойдани репатриация қилиш муддатлари 2000 йил мобайнидан бошлаб эса асосий капитал бўйича чекловлар мавжуд эмас. Хорижий инвесторларнинг кўпчилиги ушбу ҳужжат меъёрлари асосида ишлашни афзал кўрадилар: 1974-2004 йилларда унинг доирасида Чилида 80 фоиздан ортиқ инвестициялар амалга оширилди. Декрет-қонун талабларига биноан ҳар қандай хорижий юридик ва жисмоний шахслар, ва шунингдек чет элда яшовчи чилилик фуқаролар мамлакат ҳудудида инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Лотин Америкасининг кўпгина малкатларидан фарқли равишда Чилида хорижий ва хусусий инвестициялаш учун барча соҳалар тақдим этилган. Фақатгина ҳаво транспорти ва оммавий ахборот воситалари бундан мустаснодир.

Тайландда қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш учун иқтисодиётни эркинлаштириш (банк сектори ва ташқи савдо режимига эътибор қаратиш), макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, инвестиция устуворликлари,

хусусийлаштириш соҳасида шаффофликни таъминлаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда кўрилган чоралар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳаларини кенгайтириш, инвестициявий тартибларни, солиқ ундириш фактлари ва усулларини, турли рағбатлар ва преференцияларни тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш имконини беради. Бу билан бир вақтда хорижий инвесторлар мулкани ҳимоя қилишни кафолатловчи, олинадиган фойдани репатриация қилиш, мамлакатнинг вулай имиджини яратувчи қонуний меъёрларни такомиллаштириш бўйича ишлар (кўргазмалар ташкил қилиш, инвесторлар ва журналистларни таклиф қилиш, инвесторлар учун махсус нашрлар) миллий кенгашнинг инвестициялар бўйича хорижий офисларининг очилиши миллий устуворликнинг оммавий муҳокама этилиши ва эълон қилиниши. Масалан, 2002 йилда кўргазмалар эътиборини ҳозирги замон агротехника технологиялари, қийимлар, заргарлик буюмлари, автомобиллар, янги туристик технологияларга қаратдилар.

Натижада, ҳозирги вақтда Таиланд кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан иқтисодий эркинлаштириш даражаси бўйича илгарилаб кетди (иқтисодий эркинлик индекси 2000-2004 йилларда ривожланаётган мамлакатлар катигорияси учун 57,5 фоизга нисбатан 66,6 фоизни, макроиқтисодий барқарорлик индекси – ЯИМ дефлятори 8,2 фоизга нисбатан 1,8 фоизни, иқтисодий модернизациялаш индекси 48,6 фоизга нисбатан 97,7 фоизни ташкил этади).¹

Таиланд мислоли банк секторининг инвестиция сиёсати самарадорлигини оширишдаги муҳим аҳамиятини таъкидлайди. Хаттоки ривожланаётган мамлакатлар шароитида банк сектори бир вақтнинг ўзида аҳоли ва тадбиркорлик соҳаси даромадларининг бир қисмини жалб қилиш, бу билан макроиқтисодий барқарорлик даражасини мустаҳкамлаш ва инвестициямуҳитини яхшилаш, иқтисодий фаол аҳоли қатламларини ва

¹ Механизм инвестиций: международный опыт в контексте Узбекистана // Экономическое обозрение. – Ташкент, 2007ю - №7. – С.17.

хусусий бизнесни жалб қилиш орқали жамғармаларнинг юқори даражасини таъминлаши мумкин.

Турли мамлакатлар (Хитой, Хиндистон, Чили) инвестиция сиёсатидаги фарқлар ва ўзига хос хусусиятлага қарамай бу давлатларнинг инвестиция стратегияси ва механизмларида умумий томонлар мажуд. Булар қуйидагилардир:

1. Самарали инвестиция сиёсатини ташкил қилишда (айниқса унинг шакилланиши босқичларида) давлатнинг юқори роли. Бунда давлатнинг функциялари фақат қулай инвестиция муҳитини шакиллантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, зарур меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва унга риоя қилиш мониторингини амалга ошириш билан чекланмайди. Бу йўналишда инсон ва ижтимоий капитални ривожлантириш, давлат институтлари институтционал салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янги инновацион секторларини ривожлантиришга инвестицияларни кўпайтириш сингари масалаларни ҳал қилиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, эркинлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши билан инвестициялаш жараёнларини давлат томондан тўғридан-тўғри тартибга солиш миқёслари қисқариб боради, билвосита воситалар орқали инвестиция оқимларини рағбатлантириш функциялари эса муҳим аҳамият касб эта бошлайди.

2. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантирувчи қулай ва мустаҳкам инвестиция муҳити. Бу ҳолат жамғармалар даражасини ЯИМга нисбатан 20 фоиздан кам бўлмаслигини , ва шунингдек инвестициялар ўсиш суръатларини ЯИМ ўсиш суръатларидан юқори (2-4 пункт) бўлишини таъминлайди. Охиргиси устун даражада хусусий инвестициялар ҳисобига амалга оширилади. Бунга хусусий секторга катта ҳажмдаги кредитларнинг ажратилиши (Таиланд, Хиндистон) ижтимоий иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда эркин бозор кучлари билан давлатнинг фаол ролининг уйғунлашуви (инфляциянинг паст даражасини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликка қарши курашиш ва ҳ.к.

3. Банк сектори ва молия бозорининг барқарор ривожланиши. Жаҳоннинг кўпгина рақобатбардош ривожланаётган мамлакатларида монетизация даражаси 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Фақат шундай ҳолдагина аҳоли ва тадбиркорларнинг бўш маблағларини ишга солиш, инвестиция ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, фаол инфляцияга қарши сиёсатни олиб бориш учун шарт-шароитлар яратилади.

4. Инвестиция сиёсатининг тизимлилиги ва бир бутунлиги. Маълумки, инвестиция сиёсати мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий таркибий қисимларидан бири бўлиб ҳисобланади. (масалан, Хиндистоннинг янги саноат сиёсати, Таиланднинг саноат сиёсати, Чилининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш сиёсати) ва умуммиллий манфаатларга асосланади. Жумладан, Хитой инвестиция сиёсати цикллarga қарши тартибга солиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, эришилган юқори ўсиш суръатларини сақлаб туришнинг (Хитой иқтисодиётининг циклик ривожланиши хусусиятини ҳисобга олган ҳолда) фаол воситаси бўлиб ҳисобланади.

5. Инвестиция сиёсатга масъул бўлган давлат институтлари фаолияти сифатини ошириш. Бу нодавлат мустақил экспортларни (таниқли олимлар ва obroли бизнесменлар) давлат ресурсларини тақсимловчи бошқарув кенгашлари ва тузилмалар таркибига жалб қилиш орқали амалга оширилган. Мазкур ресурслар у ёки бу инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сифатида хусусий инвестицион-инновацион фондларнинг бошланғич капиталини шакиллантириш учун тақдим этилган. Ана шу мақсадда давлат ҳукумат билан шартномабўйича ишловчи хусусий кам фойда оловчи корпорациялар хизматидан фойдаланган. Бу давлатларда инвестиция имтиёзлари ва преференцияларини бериш ишларининг шаффофлиги муҳим роль ўйнайди.

6. Юқори технологияларни ривожлантиришга капитал оқимларини йўналтириш. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар бунда ривожланган мамлакатлар билан улар шртасидаги иқтисодий ривожланиш суръатларидаги

фрқни тезроқ бартараф этиш имконини берувчи ривожланишнинг “қувиб етиш” стратегияларидан фойдаланганлар. Бунда асосий механизм бўлиб хусусий-давлат ҳамкорлиги, давлат ва бизнес ўртасидаги рискни тақсимлаш, маркетинг тадқиқотларига кетадиган харажатларни давлат томонидан бирлаштириб молиялаштириш, персонални ўқитиш, янги маҳсулотни сертификатлашга кўмаклашиш ҳисобланади.

7. Инсон ва ижтимоий капитални оширишни инвестициялашга ўзига хос устуворлик бериш. Фан сиғимкорлигига (наукаемкой) эга бўлган иқтисодиётни тезкорлик билан барпо этиш шароитида рақобатбардошликнинг ўсишини таъминлаш зарурияти ривожланаётган мамлакатларнинг инсон ва ижтимоий капиталга кенг миқёсдаги инвестицияларни жалб қилиш кўринишидаги ўзига хос устуворлигини келтириб чиқаради. Таълим соҳасига эътибор, ривожланган мамлакатларга “ақларнинг оқиб ўтиши”ни камайтириш бўйича қўрилган жиддий чоралар ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш истиқболларини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда нафақат инвестицион рағбатлар, балки инвестицион промоунтинг стратегияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Саноати ривожланган ва ривожланаётган 50 та мамлакатлар тажрибаларга асосланган тадқиқотларнинг далолат беришича инвестицион промоунтингга сарфланган ҳар бир доллар миллий иқтисодиётга тўрт долларлик самара бериши мумкин. Энг самарали бўлиб у ёки бу секторга аниқ йўналтирилган, муайян потенциал инвесторга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва фаол маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестициялар ҳисобланади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш хал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби

муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2. Ҳозирги вақтда иқтисодиётни жадал ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб этади. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи омил бўлиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш талаб этилади.

3. Ҳозирги вақтда иқтисодиётни жадал ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб этади. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи омил бўлиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш талаб этилади.

4. Ривожланган мамлакатлар минтақавий инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг энг оммавий услубларидан бири бўлиб ҳудудларни ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқи қошида ҳудудий мувофиқлаштириш жимғармаси ташкил этилган. Бошқа қатор мамлакатларда ҳам айрим ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида махсус жамғармалар (Италияда давлат субсидияси ҳисобига фаолият олиб борадиган ва жанубий ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган “Жанубий хазинаси”; Балгарияда баъзи ҳудудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича жамғарма, Венгрияда учта мақсадли жамғармани барлаштирувчи ҳудудларни ривожлантириш марказий жамғармаси ва бошқалар) тузилган.

5. Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундан иборатки уларда йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар бўлиб губерниялар, штатлар, провенциялар эмас, балки шаҳарлар ва муниципалитетлар ҳудудий мувофиқлаштириш маконлари ҳисобланади.

6. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда нафақат инвестицион рағбатлар, балки инвестицион промоунтинг стратегияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Саноати ривожланган ва ривожланаётган 50 та мамлакатлар тажрибаларга асосланган тадқиқотларнинг далолат беришича инвестицион промоунтингга сарфланган ҳар бир доллар миллий иқтисодиётга тўрт долларлик самара бериши мумкин. Энг самарали бўлиб у ёки бу секторга аниқ йўналтирилган, муайян потенциал инвесторга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва фаол маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестициялар ҳисобланади.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

2.1. Мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш йўллари.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида республикамиз минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалани кутилаётган инвесторлар учун муайян минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали ҳал қилиш мумкин.

Маълумки, инвестициялашнинг объекти бўлиб алоҳида лойиҳа, бирор бир корхона, тармоқ шаҳар, минтақа ёки мамлакат белгиланиши мумкин.

Инвестицион фаолият мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишларида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицион салоҳиятнинг даражаси ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.


Инвестицион салоҳият – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларни жал қилиш учун мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар кўринишидаги ва макроиқтисодий ва микроиқтисодий инвестицион имкониятларни ҳисобга олувчи инвестициялашнинг турли соҳалари ва объектларнинг мавжудлиги ва иқтисодий тизимларнинг ривожланишига боғлиқ бўлган алоҳида салоҳиятлар кўрсаткичларининг мажмуидир. 2.1.1-расм.

Инвестицион салоҳият шунингдек, инвестицион ресурслар мажмуи бўлиб бу салоҳият улардан фойдаланиш жараёнида синергизм самарасига эришиш имконини беради.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳияти унда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омиллари ва капитални қўллаш соҳалари мажмуи бўлиб у асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари (таркибий ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфратузилмалар ва бошқ)

билан таъминланганлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқаларни ҳисобга олувчи миқдорий тавсифдир.

Бизнинг фикримизча, минтақавий инвестицион салоҳият бу маълум ҳудуд жойлашган оддий эмас, балки қандайдир тартибга солинган инвестицион ресурслар мажмуи бўлиб у бу ресурслардан фойдаланиш жараёнида кутилаётган самарали эришиш имконини беради.



2.1.1 – расм. Инвестицион салоҳиятининг таркиби.¹

Шундай қилиб, мамлакатнинг инвестицион салоҳияти – бу унда мавжуд бўлган ва унга жалб қилинган иқтисодий ресурсларнинг олиб борилаётган иқтисодий сиёсат томонидан белгиланган мақсадлар ва миқёсда қулай инвестицион муҳит шароитида инвестицион фаолиятни олиб боришнинг умумий имкониятларидир.

Мамлакат инвестицион салоҳиятни баҳолашда қуйидаги муҳим омиллар ҳисобга олинади:

- ресурс – хом ашё омил (табиий ресурслар асосий кўринишларининг баланс захиралари билан ўртача таъминланганлиги);
- ишлаб чиқариш омиллари (мамлакатда хўжалик фаолиятнинг умумий

¹ Турли манбалар асосида Рахимова Г.Х. билан ҳамкорликда тузилган.

натижалари);

- истеъмол омили (мамлакат аҳолисининг умумий харид қобилияти);
- инфратузилмавий омил (мамлакатнинг итисодий – географик аҳволи ва унинг инфратузилмавий таъминланганлиги);
- интеллектуал омил (аҳолининг таълим даражаси);
- институтцион омил (бозор иқтисодиёти етакчи институтларнинг ривожланганлик даражаси);
- инновацион омил (фан – техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш даражаси);

Юқоридан келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун муайян минтақанинг хусусиятларини акс эттирувчи ва унинг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда салоҳиятли бўлган омилларни белгилаш муҳимдир.

Жаҳон амалиётида минтақавий иқтисодиётларни нисбатан ривожланган минтақалар даражасига етказиш сиёсатини ўтказиш орқали минтақалар инвестицияларини иқтисодий самарадорликка йўналтиришда минтақалардаги солбий оқибатларни бартараф қилишни кўзловчи ташқи инвестицион сиёсат амал қилади.

Ҳозирги даврда ягона инвестор - давлатнинг ўрнига қўплаб мустақил хўжалик юритувчи субъектлар юзага келмоқда, бозорга хорижий инвесторлар кириб келмоқда, бу эса минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

Бироқ ҳар бир минтақанинг муайян шарт-шароитлари бутун мамлакатникидек тубдан фарқ қилиши сабабли ҳар бир минтақадаги инвестицион салоҳиятни халқаро амалиётда маълум бўлган ва синовдан ўтган методлар орқали баҳолаш мумкин эмас.

Инвестицияларни мақсадга мувофиқ қўйиш шарт-шароитларини таҳлил қилишда иқтисодий фан ва амалиётда инвестицион муҳит категорияси

қўлланилади. Бу категория бироқ бир хўжалик тизимига (мамлакат, минтақа ёки корпарация иқтисодиётига) капитални инвестициялашнинг жозибадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини белгиловчи ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва маданий имкониятларнинг умумлаштирилган тавсифини акс эттиради.

Минтақаларнинг инвестицион муҳитини урта муҳим қисмдан иборат бўлган тизим сифатида таҳлил қилиш мумкин:

1. Инвестицион салоҳият – минтақада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омиллари ва капитални қўллаш соҳаларининг мажмуи.
2. Инвестицион таваккалчилик (риск) – инвестициялаш таваккалчилиكنинг ўзгариб турувчи омилларининг мажмуи.
3. Инвестор фаолиятининг барқарорлигини таъминловчи ҳуқуқий тизимнинг қонунчилик асослари.

Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсатида саноатнинг маҳаллий хом ашё ва ресурсларни қайта ишлашга асосланган, шунингдек, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун устувор ҳисобланган тармоқ ва ишлаб чиқаришлар белгилаб олинган.

Мамлакатнинг турли минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш хажми, аввало, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, минерал-хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва вишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқариш ҳижмига боғлиқ. Фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олиш орқали хорижий капитални жалб қилишдан кўзланган самарага эга бўлиш мумкин.

Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. (2.1.1. - жадвал)

2.1.1 - жадвал

**Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари, фоизда¹**

Молиялаштириш манбалари	Йиллар								
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча 19,2 фоиздан 23,2 фоизга кўтарилган.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби куйидаги 2.1.2 - жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2001-2012 йилларда 753,2 млрд.сўмдан 22797,3 млрд сўмга ўсган. 2012 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг 44,6 фоизи янги қурилишга, 3,6 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, 28,1 фоизи ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизациялашга ва 23,7 фоизи бошқа ишларга йўналтирилган.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2001-2012 йилларда 753,2 млрд.сўмдан 22797,3 млрд сўмга ўсган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

2.1.2-жадвал

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(%да)¹**

Йиллар	Асосий капиталга инвестициялар		шу жамладан, қуйидагиларга йўналтирилган:			
	жами, млрд. сўм	%	янги қурилишга	кенгай тиришга	реконст рукция ва модерни зация лашга	бошқа ларга
2001	753,2	100	40,8	12,0	46,8	0,4
2005	1338,8	100	31,9	19,7	47,6	0,8
2006	1645,2	100	41,7	14,3	42,8	1,2
2007	4507,2	100	42,2	18,4	25,2	14,2
2008	7203,4	100	51,2	10,6	23,4	14,8
2009	10111,8	100	60,0	3,8	22,0	14,2
2010	10733,7	100	51,7	3,9	25,1	13,9
2011	18726,1	100	55,2	3,7	25,9	18,9
2012	22797,3	100	44,6	3,6	28,1	23,7

2012 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг 44,6 фоизи янги қурилишга, 3,6 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, 28,1 фоизи ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизациялашга ва 23,7 фоизи бошқа ишларга йўналтирилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўзгариши 2.1.3 - жадвалда келтирилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2.1.3-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар (% да)¹

Йиллар	Жами, млрд.сўм %		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Транс порт	Алоқа	Савдо ва умумий овқатла ниш	Геология ва қиди рув	Турар жой қурилиши	Бошқ.
2001	1320,9	100	38,9	5,4	12,0	2,1	1,5	0,6	11,2	28,3
2005	3165,2	100	32,6	4,4	16,6	7,5	1,5	4,0	11,0	22,4
2006	4041,0	100	34,3	4,1	15,7	6,2	1,8	4,0	11,8	22,1
2007	5903,5	100	37,7	3,4	15,6	6,1	2,3	3,3	11,3	20,3
2008	9555,9	100	34,5	2,7	18,4	6,7	2,7	9,0	9,2	16,8
2009	13660,6	100	29,6	2,9	26,4	3,8	3,4	6,5	8,9	18,5
2010	15338,7	100	30,4	3,4	23,0	6,7	4,7	2,4	15,1	14,3
2011	18726,1	100	32,4	5,0	19,3	4,1	4,2	2,5	17,8	14,7
2012	22797,3	100	34,2	4,8	14,9	2,9	4,7	2,3	19,8	16,4

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2001-2012 йилларда асосий капиталга инвестициялар ҳажми транспорт соҳасида 12,0 фоиздан 14,9 фоизга, алоқада 2,1 фоиздан 2,9 фоизга, савдо ва умумий овқатланишда 1,5 фоиздан 4,7 фоизга, геология ва кидирув соҳасида 0,6 фоиздан 2,3 фоизга, турар жой қурилишида 11,2 фоиздан 19,8 фоизга кўпайган. Бу даврда саноатда эса бу кўрсаткич 38,9 фоиздан 34,2 фоизга, қишлоқ хўжалигида 5,4 фоиздан 4,8 фоизга, бошқа соҳаларда 28,3 фоиздан 16,4 фоизга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби 2.1.4- жадвалда келтирилган.

2.1.4- жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби (якунига нисбатан фоиз ҳисобида)¹

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Асосий капиталга киритилган инвестициялар - жами	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:								
қурилиш монтаж ишлари	48,7	49,6	55,1	42,2	52,4	52,1	50,8	52,3
асбоб-ускуна ва жиҳозлар	38,7	38,1	33,4	43,9	37,0	39,0	39,5	35,8
бошқа капитал ишлар ва харажатлар	12,6	12,3	11,5	13,9	10,6	8,9	9,7	11,9

¹ Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2013. – Б 253.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2005-2012 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларда қурилиш монтаж ишларининг улуши 48,7 фоиздан 52,3 фоизга кўпайган, асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг улуши 38,7 фоиздан 35,8 фоизга, бошқа капитал ишлар ва харажатларнинг улуши 12,6 фоиздан 11,9 фоизга камайган.

“Навоий” эркин индустриал иқтисодий ҳудудини ва нефтгаз мажмуасини шакиллантириш доирасида йирик инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши Бухоро ва Навоий вилоятларига катта ҳажмдаги инвестиция ресурсларини кириб келишини таъминлади. Натижада бу вилоятларда инвестициялар улушининг ошиб бориши тенденцияси ва илдам ўсиш суръатларига эришилди.

Таъкидлаш лозимки, минтақаларда инвестициялар ҳажмининг ошиб бориши ижобий тенденцияларига қарамай уларнинг кўпчилигида (9та минтақада), айниқса Жиззах, Наманган, Самарқанд, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга хорижий инвестицияларнинг улуши унчалик катта эмас.

Иқтисодиётда хорижий инвестицияларнинг юқори улуши Бухоро (61,7 фоиз, қиёсий нархларда), Қашқадарё (32,5 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (35,1 фоиз) кузатилди, бу давлат дастурлари микёсидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш билан изоҳланади.

Ҳудудий тузилмада инвестициявий ресурсларининг республика пойтахти Тошкент шаҳрида тўпланганлигини кўриш мумкин, бу ерда улкан инвестициявий салоҳияти ҳамда банк ва кредит-молиявий тузилмаларнинг асосий тузилмалари мавжуд. Тошкент шаҳри хиссасига республика инвестициялари умумий ҳажмининг 19,2 фоизи тўғри келди.

Инвестицияларнинг юқори улушига эга бўлган минтақалар гуруҳига шунингдекбой табиий-ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган ва иқтисодиётда нефтгаз, рангли металлургия, машинасозлик ва электротехника сингари устувор тармоқлар ривожланган Қашқадарё (16,2 фоиз), Бухоро (12,8 фоиз), Тошкент (9,1 фоиз) ва Навоий (7,0 фоиз) вилоятларини киритиш мумкин. 2006-2010 йиллар

даврида Тошкент шихри билан бирга республика инвестициялари умумий ҳажмининг 64,3 фоизи тўғри келган эди.

Паст инвестициявий фаолликка эга бўлган ҳудудлар гуруҳига Сирдарё (1,7 фоиз), Жиззах (2,1 фоиз) ва Хоразм (2,3 фоиз) вилоятлари киради. Бунинг сабаблари бўлиб, аввола, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини комплекс қайта ишдашни ривожлантириш учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаганлиги ҳисобланади.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестициявий фаолликни, модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида молиявий ресурсларни ишга солишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Минтақаларда мавжуд бўлган катта молиявий ресурслар солоҳиятиуларнинг маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун инвестициявий жозибадорлиги шароитидагина ишга солиниши мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб инвестицион муҳитни ва молиявий қўллаб-қувватлашни яхшилаш ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан инвестициявий фаолликни ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий инвесторларни рағбатлантириш, инвестициялаш манбаларини кенгайтириш бўйича аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан минтақаларда инвестицион-молиявий фаолликни ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- минтақалар даражасида молиявий ресурсларнинг шаклланиши хусусиятларини аниқлаш;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва инвестициявий фаолликнинг молиявий манбаларини шакллантиришдаги муаммолар ва номуносибликларни белгилаш;

- алоҳида ҳудудларнинг молияви ва инвестицион фаолликни баҳолаш бўйича услубий ёнлашувларни ишлаб чиқиш;

- минтақаларда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият ва уларнинг

инвестицион жозибаторлигига баҳо бериш;

- минтақалар ички молиявий ресурсларини ишга солиш даражаси ва асосий йўналишларини аниқлаш;

- минтақаларнинг истиқболдаги таркибий-инвестицион сиёсати ва иқтисодийтини модернизация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Инвестицион-молиявий жараёнларни фаоллиштириш бўйича келтирилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, маҳаллий ва хорижлик инвесторларни жалб қилиш, минтақалар маҳаллий бюджетларини шакиллантиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

2.2. Республикамиз минтақаларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш.

Минтақавий сиёсатнинг мақсади билвосита, тартибга солинувчи воситалар орқали иқтисодийнинг ҳудудий тузилмасига таъсир этишдан иборат. Бу сиёсат минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш, минтақалар ўртасида моддий ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш орқали асосланмаган фарқларни юмшатиш бўйича тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу эса миллий иқтисодийнинг энг мақбул ҳудудий тузилишини шакиллантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади¹.

- мамлакат барча минтақаларининг барқарор ривожланиши, уларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишлари даражаларини имкони борича тенглаштириш;

- минтақалар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашуви ва ривожланишидаги асосланмаган номуттаносибликларни бартараф қилиш;

- минтақаларнинг мақсадга мувофиқ ихтисослашуви ва районлараро иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш;

¹ Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. /Монография – Т.: «ИQTISOD - MOLIIYA», 2005, - С. 220

- минтақалараро ва минтақаларнинг ташқи иқтисодий интеграцияси, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ажралганлигини бартараф қилиш.

Маълумки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб қонунлар, қонуности ва суд ҳужжатлари хизмат қилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакат минтақаларини ривожланишини тартибга солишда кўп ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, республика ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари ҳал қилувчи аҳамияга эга бўлади.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг республика даражасида минтақалар ривожланишини тартибга солишнинг ташкилий-институтционал тузилмаси Вазирлар Маҳкамаси, кўпчилик вазирликлар ва идоралар томонидан шакиллантирилади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумий сиёсатни Иқтисодиёт вазирлиги ишлаб чиқади ва амалга оширади. Иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва йўналишлари бўйича минтақавий муаммолар билан Марказийбанк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ва бошқалар шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида минтақалар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўللار билан амалга оширилади¹:

- минтақалар ва районлар мажмуавий ривожланишини дастурларини ишлаб чиқиш;
- минерал хом-ашё ресурсларини ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг республика миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича дастурларни ишлаб чиқиш, эски ишлаб чиқариш қувватларини бошқа мақсадларга йўналтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали янги

¹ Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. /Монография – Т.: «IQTISOD - MOLIYA», 2005, - С. 221

корхоналарни куриш;

- маҳаллий табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда минтақалар қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва бу тармоқларни ривожлантириш бўйича республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

- аҳоли бандлиги, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа республика миқёсидаги дастурларни амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш;

- маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш, минтақаларга дотациялар ва субвенцияларни ажратиш;

- мақсадга мувофиқ ҳудудий – хўжалик бошқарув тизимини ташкил этиш мақсадида мамлакатнинг маъмурий – ҳудудий бўлинишини такомиллаштириш;

Минтақалар иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш услублари умумий кўринишда ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий, тўғртдан-тўғри ва билвосита услубларга бўлинади.

Иқтисодиётни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш давлат томонидан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун қонунларни белгилашда ўз ифодасини топади.

Маъмурий жиҳатдан тартибга солиш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг у ёки бу ҳадди ҳаракатлари руҳсат бериш, у ёки бу кўринишдаги фаолиятларини таъқиқлаш шаклида намоён бўлади. Бу баъзи товарлар ва хизматларнинг нархлари ва даромадлари устидан давлат назорати, валюта курсини белгилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни назорат қилиш.

Тартибга солишнинг иқтисодий услублари ҳам турличадир. Бу услублар бозор муносабатлари, бозор алоқаларига таъсир этишга йўналтирилган. Булар ялпи талаб ва ялпи таклифни давлат томонидан тартибга солиш услубларидир. Иқтисодий услубларда молия-кредит тизими муҳим ўрин эгаллайди, бу давлатнинг иқтисодий ўсишга турли услублар орқали (солиқ тизими, кредитлар, ссуда фоизи, ставкалар ва бошқалар) таъсир этиши. Пул-кредит сиёсати иқтисодий тартибга солишга асосан билвосита услублар орқали таъсир этади. Солиқ-бюджет сиёсати ҳам бу жараёнга

билвосита таъсир кўрсатади. Давлат томонидан корхоналарни, нарх механизimini қўллашда иқтисодиётни тартибга солишнинг тўғридан-тўғри услублари билан бирга билвосита услублардан ҳам фойдаланилади.

Давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсир қилиши шакллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодиётнинг маълум тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш.
2. Тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш бўйича мақсадли Давлат дастурларини амалга ошириш.
3. Экспорт ва импортга таъсир қилиш.
4. Миллий бозорга таъсир этиш.

Давлатнинг минтақалар иқтисодиётга таъсир қилиши икки йўл билан амалга оширилади: давлат тадбиркорлигини ривожлантириш ёки нодавлат сектори корхоналарига субсидиялар бериш орқали. Масалан, давлат минтақалар иқтисодиёти тармоқларига фан-техника тараққиётини белгиловчи юқори малакали мутахассисликларни тайёрлашни ўз зиммасига олади. Кўпинча давлат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни молиялаштирилади.

Давлатнинг экспортга таъсири экспорт қилувчиларни божлар тўлашдан озод қилиш, кредитларга имтиёзли фоизларни белгилаш, маҳсулотларни олиб кириш ва четга чиқаришни квоталаш орқали амалга оширилади.

Давлат миллий бозорга иқтисодиёт тармоқларида товарларни сотиб олишга давлат буюртмалари йўли билан таъсир қилади.

Минтақалар иқтисодиётини тартибга солишда давлат томонидан турли иқтисодий воситалар қўлланилади. Масалан, кредит сиёсати иқтисодиётга қуйидагилар орқали таъсир қилади.

- банк захираларини меъёрлаштириш;
- банк фоизи ҳисоб ставкасини ўзлаштириш;
- валюта бозорида операцияларни ўтказиш.

Бюджет сиёсати иқтисодиётга қуйидагилар орқали таъсир этади:

- давлат харажатларини тартибга солиш;

- давлат харидлари;
- давлат займларини чиқариш.

Солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ ставкаларини ўзлаштириш ва солиқлар бўйича имтиёзлар орқали таъсир кўрсатади.

Ижтимоий сиёсат соҳасида давлат меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражасини, пенсиялар, ишсизлик бўйича нафақалар ҳажмини ва бошқаларни белгилайди.

Келтирилган барча тартибга солиш шакиллари, услублари ва воситалари ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Давлат иқтисодиётига тўғридан-тўғри таъсир этиш услубларидан ташқари бозор муносабатларига билвосита ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ тартибга солиш шакиллари ва усуллари бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлиб соф маъмурий ва соф иқтисодий услублар бўлмайди. Масалан, маъмурий услублар ҳар қандай иқтисодий услубга таъсир этади. Мисол учун пул муомаласида иқтисодий услубга Марказий банк томонидан кредит бўйича ставка белгилаш орқали таъсир кўрсатилади, бу эса масалани маъмурий йўл билан ҳал қилишдир. Шу билан бирга ҳар бир маъмурий тартибга солиш воситасининг иқтисодий жиҳати мавжуд, шу маънодаги у иқтисодий жараёнга билвосита таъсир кўрсатади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг барча услублари ва воситалари бир-бирига узвий боғлиқлигини таъминлаш зарур. Тартибга солишнинг мутлоқ идеал методи мавжуд эмас. Улар ўртасидаги оптимал нисбатини аниқлаш муҳимдир.

Бозор муносабатларга ўтиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тартибга солишда тўғридан-тўғри услублардан кенг фойдаланилади.

Тартибга солишнинг тўғридан-тўғри услублардан бири бўлиб вилоятлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади. 1998-1999 йилларда Наманга ва Хоразм вилоятларини ривожлантиришнинг ўрта муддатга мўлжалланган мақсадли минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Жиззах вилоятлари, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳукуматнинг қатор махсус қарорлар қабул қилинади.



2.2.1- Расм. Минтақалар иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солиш усуллари, услублари ва воситалари¹.

¹ Турли манбалар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг муҳим дастакларидан бири бўлиб инвестициявий ва ҳудудий дастурлар ҳисобланади

Хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарни ташкил этиш учун қулай шароитларни шакиллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарнинг устав фониди ҳажми республикада ўрнатилган даражага нисбатан 2 баробарга камайтирилди.

Республика тармоқлар дастурлари ва алоҳида инвестициявий дастурлар доирасида Хоразм вилоятида бир қанча енгил, озиқ-овқат ва машинасозлик саноатига тегишли қўшма корхоналар ишга туширилди. Маҳаллий хом ашё асосида яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқувчи корхоналарнинг қурилиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

90-йилларнинг бошида Қашқадарё вилояти бой табиий-ресурс салоҳиятига эга бўлишига қарамай республиканинг бошқа нисбатан ривожланган минтақаларига нисбатан сезиларли даражада орқада қолар эди. Минтақа ривожланишини тартибга солиш бой минерал-хом ашё ресурсларини ўзлаштириш, улар асосида давлат капитал қўйилмалари ҳисобига йирик корхоналарни қуришни кўзда тутган эди.

90-йиллар бошларида янги ўзлаштирилган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида орқада қолиш тенденцияси кузатила бошлади, шунинг учун ҳукумат “Жиззах вилоятининг 1994-1995 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди, унди ижтимоий объектларни қуриш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни ажратиш кўзда тутилган эди. Бу йилларда аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш объектлари, мактабларни қуриш ва шунингдек янги ерларни ўзлаштириш учун 2,0 млрд. сўм ҳажмдаги 5 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

90- йиллар ўрталарида Наманган вилояти иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатлари бўйича бошқа минтақалардан орқада қола бошлади. Унинг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мақсадга мувофиқ бандликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш мақсадида ҳукумат “Наманган вилоятида 1998-2000 йилларда бозор ислохотларини чиқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш дастури”ни қабул қилди.

Вилоятда хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарни ташкил этиш, республика тармоқ дастурлари доирасида вилоятда маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашё, меҳнат тресурслари асосида хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни куриш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Республикамизда минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда ҳудудлар тақсимооти бўйича иқтисодий тармоқлар ҳамда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид мақсадли тармоқлар ва тармоқлараро дастурларини, ва шунингдек улар асосида маҳаллий давлат органлари томонидан тайёрланган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услуби танланди. Улар қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин³⁹.

1. Минтақаларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини барпо этишга йўналтирилган институционал ўзгаришларни амалга ошириш дастурлари.

2. Саноатнинг базавий тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт реал секторининг бошқа тармоқларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тўлақонли транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларини шакллантиришга йўналтирилган дастурлар.

³⁹ Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. /Монография – Т.: «IQTISOD - MOLIIYA», 2005, - С. 228

3. Ижтимоий соҳани ривожлантириш дастурлари: Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, касб хунар коллежлари ва лицейларнинг моддий-техник таъминотини барпо этиш ва мустаҳкамлаш, умумтаълим мактабларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва коммунал хўжаликларини ислоҳ қилиш, кишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш (аҳолини ичимлик суви ва газ билан, шифокорлик пунктлари билан таъминлаш), улгуржи савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тизимини ривожлантириш ва бошқ.

Таркибий ва инвестицион сиёсатнинг стратегик йўналиши-мамлакатимизнинг иқтисодий, интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятларини мустаҳкамлаш, минтақаларнинг бой табиий, минерал-хом ашё ва меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланишдан иборат.

Сўнги йилларда Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона водийсининг (Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари) ва Бухоро шихрининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган 15 га яқин дастурлар қабул қилинди. 2008 йилдан бошлаб Навоий вилоятида Эркин иқтисодий индустриал зонани ташкил этиш бўйича иқтисодий стратегия амалга оширилмоқда⁴⁰.

Бундан ташқари барча минтақалар учун саноатни ривожлантириш дастурлари тасдиқланди. Минтақавиф дастурлар ҳар бир вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий параметрларини, истиқболли лойиҳалар ва йўналишларни белгилаб бердилар.

Ўзбекистон ҳукуматининг саноат сиёсати анъанавий ва янги соҳаларда асосан хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга йўналтирилган эди. Шу билан бирга бозор институтлари ва инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин иқтисодий-индустриал зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш таъминланди.

Мустақиллик йилларида республикамизда ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар 58,3 фоиздан 73,5 фоизга кўпайди. Бу даврда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, Асака ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобил заводлари ва бошқа йирик саноат объектлари, автомобиль эҳтиёт қисимларини ишлаб чиқарадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги йигирмадан ортиқ корхоналар, ўнлаб замонавий тўқимачилик мажмуалари ва кўплаб бошқа корхоналар фойдаланишга топширилди.

Худудий дастурлар давлат иштирокида ёки унинг ташаббуси билан амалга ошириладиган, танланган худудда муайян ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳал этишга қаратилган ташкилий хужалик тадбирлари ва лойиҳаларни ўз ичига олувчи ҳужжат ҳисобланади. Одатда худудий дастурларда уларни бажаришга маъсул булганижрочилар, яъни давлат ва хўжалик фаолиятини юритувчи ташкилотлар, молиялаштириш манбаалари амалга ошириш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида худудий дастурлар миртақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсатнинг асосий дастакларидан бири вазифасини бажаради. Ривожланган мамлакатларда худудларда ривожлантириш дастурларидан кўп йиллардан бери кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда. Баъзи давлатларда худудий дастурлар минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тартибга солиш механизмининг асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида республикамизда худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича етарли тажриба тўпланди. Амалга

оширилган ва ҳозирда амалда бўлган ҳуудий дастурлар асосан қуйидаги мақсад ва вазифаларини ҳал этишга қаратилган⁴¹:

- минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича минтақалараро табақалашувнинг ўта чуқурлашиб кетишининг олдини олиш;

- объектив иқтисодий, табиий ва бошқа омиллари таъсирида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадга мувофиқ даражасини таъминлай олмайдиган минтақаларни лавоат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- иқтисодиётни баъзи тармоқларини устувор даражада ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- ҳудудларга киритилган давлат инвестициялари самарадорлигини ошириш ва миллий манфаатларга миослигини таъминлаш;

- ўзига хос мақомга эга бўлган ҳудудлар ривожланишини тартибга солиш ва бошқалар.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ҳудудий дастурларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Минтақаларни мажмуавий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари. Бу турдаги дастурларга мисол тариқасида турли даврларда амалга оширилаётган Сирдарё, Наманган, Навоий ва Хоразм вилоятларини мажмуавий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бу минтақаларда бозор ислохотларини чуқурлаштириш дастурларини киритиш мумкин.

2. Минтақаларда иқтисодиётни айрим соҳаларини ривожлантириш дастурлари. БУларга “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури”, “2003-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар дастури”, “Қўқон шаҳрининг 2010-2012 йилларда ишлаб чиқаришни

⁴¹ Мавланов Б. Минтақавий ривожланишни тартибга солишда ҳудудий дастурлардан фойдаланиш масалалари. // Иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришнинг муҳим омиллари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 504.

модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича саноат салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури”ни мисол қилиш мумкин.

3. Худудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган дастурлар. Уларга “2008-2012 йилларда Фарғона ва Қўқон шаҳарларининг ижтимоий инфратузилмасини реконструкция қилиш, ривожлантириш ва ободонлаштириш чора-тадбирлари дастури”, “2009-2012 йилларда Наманган шаҳрининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ва ободонлаштириш чора-тадбирлари дастури”ни киритиш мумкин.

4. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси баст бўлган туманларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурлари.

Умуман олганда республикамізда минтақалар ривожланишини тартибга солишда ҳудудий дастурлардан фойдаланиш тажрибаси ўзининг самарасини бермоқда. Шунга қарамасдан мазкур механизмни янада такомиллаштириш зарур. Бу вазифа қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиши лозим⁴²:

- ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш бўйича ягона услубий ёндашувларни таъминлайдиган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш ва тадбиқ этиш. Бу бозорда турли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган механизмларни шакиллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- амалга оширилган ва оширилаётган ҳудудий дастурлар натижаларини мониторинг қилиш бўйича механизмни такомиллаштириш;

- ҳудудий дастурларни амалдаги иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи механизмни шакиллантириш.

⁴² Мавланов Б. Минтақавий ривожланишни тартибга солишда ҳудудий дастурлардан фойдаланиш масалалари. // Иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришнинг муҳим омиллари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 505.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Мамлакатни модернизациялаш шароитида республикамиз минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалани кутилаётган инвесторлар учун муайян минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали ҳал қилиш мумкин.

2. Мамлакатнинг инвестицион салоҳияти унда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омиллари ва капитални қўллаш соҳалари мажмуи бўлиб у асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари (таркибий ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфратузилмалар ва бошқ) билан таъминланганлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқаларни ҳисобга олувчи миқдорий тавсифдир.

3. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича минтақаларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш мазмунан ва методик жиҳатдан такомиллаштирилиб борилиши лозим. Мажмуамий баҳолашнинг алоҳида услублари асосида муайян таваккалчилик турлари, инвестицион салоҳият ва инвестицион қонунчиликни чуқур таҳлил қилиш мумкин. Бундай ёндашув минтақалар инвестицион салоҳиятини иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш ва аниқ инвесторларнинг манфаатлари нуқтаи назардан баҳолаш имконини беради.

4. Мамлакатимиз минтақалари бўйича инвестициявий ресурсларнинг дифференциацияси қатор омиллар билан боғлиқ: турли минтақаларда саноат ишлаб чиқаришнинг бир текиста ривожланмаганлиги, инфратузилманинг баст даражада ривожланиши, минтақалар табиий ва меҳнат ресурсларининг нотекс тақсимланганлиги ва улардаги фарқлар.

5. Республикамиз минтақаларда инвестицион-молиявий фаолликни ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- минтақалар даражасида молиявий ресурсларнинг шакилланиши хусусиятларини аниқлаш;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва инвестициявий фаолликнинг

молиявий манбаларини шакиллантиришдаги муаммолар ва номуносибликларни белгилаш;

- алоҳида ҳудудларнинг молияви ва инвестицион фаоллиқни баҳолашбўйича услубий ёнлашувларни ишлаб чиқиш;

- минтақаларда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият ва уларнинг инвестицион жозибадорлигига баҳо бериш;

- минтақалар ички молиявий ресурсларини ишга солиш даражаси ва асосий йўналишларини аниқлаш;

- минтақаларнинг истикболдаги таркибий-инвестицион сиёсати ва иқтисодиётини модернизация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

6. Минтақавий сиёсатнинг мақсади билвосита, тартибга солинувчи воситалар орқали иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасига таъсир этишдан иборат. Бу сиёсат минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш, минтақалар ўртасида моддий ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш орқали асосланмаган фарқларни юмшатиш бўйича тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг энг мақбул ҳудудий тузилишини шакиллантиришга хизмат қилади.

7. Мамлакатимиз минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- мамлакат барча минтақаларининг барқарор ривожланиши, уларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишилари даражаларини имкони борича тенглаштириш;

- минтақалар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашуви ва ривожланишидаги асосланмаган номуттаносибликларни бартараф қилиш;

- минтақаларнинг мақсадга мувофиқ ихтисослашуви ва районлараро иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш.

Ш-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1 Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш йўллари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш республикамизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Сўнги йилларда республикамизнинг айрим минтақалари ва шаҳарларини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ “Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий жihatдан комплекс ривожлантиришнинг 2009-2010 йилларга мўлжалланган дастури”, “Навоий эркин индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг 2009-2010 йилларга мўлжалланган дастури”, “ Наманган вилоятида кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантиришнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури”, “Қўқон шаҳрининг архитектуравий қиёфасини ва шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш чоралари”, “Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва унинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури” ва бошқалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди ва оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш , уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, ички ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Инвесторлар объектни танлашда ховфсизлик нуқтаий назаридан айнан шу омилларга устунлик берилади. Минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ва улардаги инвестиция муҳитини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестиция муҳитини белгиловчи кўрсаткичлар ва индикаторларни танлаб олишдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиз минтақаларнинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда уларнинг географик жойлашуви ва ресурсларнинг мавжудлигига боғлиқ. Минтақаларнинг рақобатбардошлиги кўп жihatдан нисбий афзалликлар яъни, биринчидан, табиий бойликларга “Нефть-газ, рангли металллар, пахта ва бошқалар”, иккинчидан, минтақа ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлигига, учинчидан, фан, техника ва технологияларнинг ривожланганлиги инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва бошқа омиллар билан тавсифланади. Умуман олганда, минтақалар рақобатбардоўлигининг умумий индекси тўртда куйидаги индекслар йиғиндисига тенг:

- Рақобатбардошлик индекси;
- Инфратузилманинг ривожланиш индекси;
- Инновациялар индекси;
- Инвестицион жозибадорлик индекси.

Минтақаларнинг рақобатбардошлик индекси куйидаги кўрсаткичлар орқали ҳисобланади: аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи минтақавий маҳсулот; минтақада саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси; товар айрбошлаш ҳажми; ишсизлик даражаси ва бошқалар.

Инфратузилманинг ривожланиш индексини аниқлашда темирйўл ва автомобил йўллариининг зичлиги, телефон тармоғининг ривожланиш даражаси, аҳоли жон бошига уяли алоқалар сони ва бошқалар ҳисобга олинади.

Инновациялар индекси – тадқиқотлар сони, инновацион ғоялар, лойиҳалар, ишланмалар, технологиялар, талабалар, стажер-тадқиқотчи изланувчилар, катта илмий ходимлар-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар сони ва бошқа индикаторлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган услубиётга кўра минтақаларнинг инвестицион жозибадорлиги индекси олти та элемент орқали аниқланади ва шунга асосан интеграл индекс

ҳисоблаб чиқилади. Инвестицион жозибадорлиги бўйича минтақаларни учта гуруҳга бўлиш мумкин.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ва улар инвесторлар учун энг қулай объектлар бўлиб ҳисобланадилар (индекс 0755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу минтақаларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма жумладан транспортва коммуникацияларнинг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади. (индекс 0,322-0,288). Бу ҳолатни хорижий инвесторларнинг мазкур минтақаларда мавжуд бўлган қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятига бўлган қизиқишлари билан изоҳлаш мумкин.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам даражада ривожланган минтақалар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Бу минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши зарур.

Давлат ва минтақалар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда минтақаларда инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- стратегик тармоқлари жойлашган вилоятларда асосий эътибор улар иқтисодиётининг модернизация қилишга қаратилиши (Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Фарғона, Самарқанд вилоятлар);
- Иқтисодиёт таркибида асосан қишлоқ хўжалигининг хиссаси кўп бўлган вилоятларда инвестиция ҳажмини янада кўпайтириш (Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари);
- Экологик вазият беқарор бўлган минтақаларда инвестицион фаолликни ошириш (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти).

Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишда ховфсизлик нуқтаи назаридан минтақаларни учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга мўлжалланган минтақалар, жумладан, эркин иқтисодий зоналар, халқаро логистик марказлар.
- 2) Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш шароити маҳаллий инвестицияларни жалб этиш шароитлари билан бир хил бўлган минтақалар (Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари).
- 3) Тўғридан-тўғри инвестицияларни олиб кириш учун ўрнатилган айрим чекловлар мавжуд бўлган минтақалар ва соҳалар (чегаровий районлар, ерни сотиб олиш ва бошқалар).⁴³

Жаҳон тажрибасининг далолат беришича инвестицион муҳитнинг шаклланиши ва ривожланишини белгиловчи омилларни таснифлаш ва тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга. Инвестицион муҳитнинг ривожланишини шакиллантирувчи омилларни урта гуруҳга ажратиб тавсифлаш ва ҳар бир гуруҳга киритилган омилларни уларнинг мазмун-моҳиятига кўра қуйидагича (3.1.1 -жадвал) тавсифлаш мумкин.

Ўзбекистон минтақаларида инвестиция юозорини шакиллантириш ва уни келажакда ривожланган даражага олиб чиқиш орқали минтақалар иқтисодиётига етарли ҳажмда хусусий инвестициялар ва хорижий капиталнинг киритилишига, инвесторлар ва эмитентларнинг ресурслари ва саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришга сабаб бўлади, бу эса, занжирли реакция бўйича, умумий ижобий иқтисодий самарага олиб келиши мумкин.

Минтақалар инвестиция бозори қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини ва аҳолининг жамғармаларини минтақалар инвестициябозори орқали тўлиқ ҳаракатга келтириб минтақаларнинг реал иқтисодиётига жалб қилиш;
- алоҳида ҳудудлар иқтисодиётининг инвестицион муҳити ва ундаги иқтисодиёт субъектлари сифат даражасини ошириш;

⁴³ Хасанов К. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда минтақаларнинг нисбий афзалликларидан фойдаланиш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2011, - №4 – Б.43-44.

3.1.1-жадвал

Инвестицион муҳитни шакиллантирувчи омиллар таснифи⁴⁴

Т/р	Тасниф гуруҳи	Таъсири турли сифатлий ва миқдорий индикаторларда намоён бўлувчи асосий омиллар
1	Ташқи омиллар	- молиявий глобаллашув тенденциялари; - иқтисодий цикллار ва уларга мос инқирозлар; - жаҳон бозоридаги нархлар; - жаҳондаги нобарқарорлик; - офат ва катаклизмлар, уриш ва инқилоблар, терроризм; - дунёдаги етакчи мамлакатларнинг глобал ва минтақавий миқёсдаги сиёсатлари ва б.
2	Ички фундаментал омиллар	- жамиятнинг танлаган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш модели; - жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланиш, минталик ва ҳудудий хусусиятлари; - ресурсларга эгаллиги ва географик жойлашув; - минтақалар (ҳудудлар) иқтисодий ва ижтимоий сиёсати; - макроиқтисодий, жумладан минтақавий шароит, барқарорлик, инвестиция муҳити ва давлатнинг кредит рейтинги б.
3	Махсус ички омиллар	- хатар даражаси; - рақобатбардошлик ва молиявий хавфсизлик даражаси; - инсон омили; - бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги ва унинг очиқлиги; - давлат институтларининг ривожланганлик даражаси; - бизнес муҳити; - информацион очиқлик, транспарентлилик ва ҳ.к.

- инвестициялар воситасида тадбиркорлик фаолиятининг амалга ошириш ва бошқа ижобий омилларга эришиш.

Мамлакатимиз турли минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш ва бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, минерал-ҳом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини ишлаб чиқиш ҳажмига боғлиқ. Фақатгина минтақанинг тадрий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олинган хорижий капитални жалб қилишдан кутилаётган самарани олиш мумкин.

Мамлакатимиз турли минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш ва бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, минерал-ҳом ашё

⁴⁴ Сайидалиев С. Минтақа иқтисодиёти ва инвестициявий муҳитни шакиллантирувчи омиллар. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2011, - №3. – Б.33.

ресурсларининг мавжудлиги ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқиш хажмига боғлиқ. Фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олинадиган хорижий капитални жалб қилишдан кутилаётган самарани олиш мумкин.

Минтақаларда инвестицион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш, аввало, мамлкат ичидаги жамғариш манбаларини фаоллаштириш ва хорижий капитални кенг жалб қилишга йўналтирилиши лозим. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тамойиллари доимий тавсифга эга эмас, улар мамлкат иқтисодиёти ривожланишининг у ёки бу босқичи ва мўлжалланаётган қайта ўзгаришларга боғлиқ ҳолда алмашиб турадилар.

Бизнинг мамлакатимизда инвестиция фаолиятини тартибга солишда паст ривожланиш даражасига эга бўлган, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича катта, ҳали тўла фойдаланилмаган салоҳияти мавжуд минтақаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан, аниқ мақсадга йўналтирилган давлат инвестиция сиёсати республикамизнинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлади, бу эса мамлакат иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.⁴⁵

Республикамиз минтақалари бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар таркибининг ўзгариши 3.1.2-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, тадқиқ этилаётган даврда тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши Қарақалпоғистон Республикасида 1,7 фоиздан 15,2 фоизга, Андижон вилоятида 1,1 фоиздан 2,5 фоизга, Бухоро вилоятида 2,3 фоиздан 19,5 фоизга, Навоий вилоятида 5,8 фоиздан 8,7 фоизга, Наманган вилоятида 0,9 фоиздан 1,4 фоизга, Сирдарё вилоятида 0,9 фоиздан 2,8 фоизга, Хоразм вилоятида 1,5 фоиздан 2,7 фоизга кўпайган. Шу билан бирга, Жиззах вилоятида 3,4 фоиздан 0,6 фоизга, Қашқадарё вилоятида 25,0 фоиздан 17,1 фоизга, Сирдарё

⁴⁵ Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. / Монография. – Ташкент, Ташкент, «IQTISOD-MOLIYA», 2005. – С.200, 202.

3.1.2- жадвал

Минтақалар бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар таркибининг ўзгариши, 2000-2012 йиллар⁴⁶

	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Республика - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қарақалпоғис тон Республикаси	1,7	5,1	6,1	1,3	1,6	2,7	1,4	2,8	15,2
вилоятла:									
Андижон	1,1	3,7	2,5	4,5	3,4	0,3	1,7	1,3	2,5
Бухоро	2,3	4,1	3,8	30,7	11,7	46,9	30,8	43,0	19,5
Жиззах	3,4	0,7	1,9	0,7	1,1	0,5	0,7	0,9	0,6
Қашқадарё	25,0	7,9	17,7	17,9	31,7	20,2	11,5	10,1	17,1
Навоий	5,8	7,8	0,8	9,0	2,9	0,5	9,9	2,9	8,7
Наманган	0,9	1,9	1,7	1,0	2,6	0,5	0,8	0,6	1,4
Самарқанд	3,4	5,2	4,0	2,0	2,2	1,3	0,9	1,4	2,4
Сурхондарё	1,0	1,6	1,7	2,4	5,0	1,5	1,4	1,4	1,1
Сирдарё	0,9	1,4	2,3	1,0	,06	0,8	0,9	0,6	2,8
Тошкент	8,7	8,1	6,3	3,6	3,4	4,0	5,7	9,1	7,5
Фарғона	4,5	2,4	3,1	2,5	4,9	3,3	3,5	4,3	3,5
Хоразм	1,5	1,4	4,6	1,7	0,8	0,3	0,9	1,5	2,7
Тошкент ш.	39,8	45,7	43,7	21,7	28,1	15,8	28,8	20,0	5,1
Тақсимланмаган маблағлар	0,0	3,0	-0,2	0,0	0,0	1,4	1,1	0,1	0,0

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

вилоятида 0,9 фоиздан 2,8 фоизга, Хоразм вилоятида 1,5 фоиздан 2,7 фоизга кўпайган. Шу билан бирга, Жиззах вилоятида 3,4 фоиздан 0,6 фоизга, Қашқадарё вилоятида 25,0 фоиздан 17,1 фоизга, Самарқанд вилоятида 3,4 фоиздан 2,4 фоизга, Тошкент вилоятида 8,7 фоиздан 7,5 фоизга, Тошкент шаҳрида 39,8 фоиздан 5,1 фоизга камайган.

3.2. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришнинг асосий йўналишлари

Инвестициялар иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашда, унинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш ва диверсификация қилишда, юқори барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда инвестиция сиёсати доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- саноат корхоналарини барпо этиш жараёнларини тезлаштириш;
- саноат объектлари қурилишини молиялаштиришда хусусий капитал иштирокини рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тармоқда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш;
- ижтимоий инфратузилма соҳаларини, транспорт-коммуникация тизимини янада ривожлантириш, реконструкция қилиш, қишлоқ жойларида намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш;
- иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолият юритишига имкон яратиш;
- инвестициявий фаолиятга тааллуқли ахборот ва маълумотлар олишни янада эркинлаштириш;
- саноат корхоналари фаолиятини баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни йжтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишлаиған Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида "Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак⁴⁷ - деб таъкидлаган эдилар. Ўзбекистонда фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиши суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил қилмоқда ва бу дунёда юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсган. Иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини, шу жумладан, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати 2010 йилда 9,2%ни, 2011 йилда 11,2%ни, 2012 йилда эса 14,0%ни ташкил этди. 2012 йилда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22,9%ни ташкил этди. Иқтисодиётга қарийб 2 миллиард 500 миллион АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди. Уларнинг 79%дан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг қарийб 74%и ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган. 2012 йилда 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та инвестиция объектлари қуриб битказилди. Жумладан, «Шўртаннефтьгаз» корхонасида қиймати 74,2 миллион доллар бўлган пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ қурилмани ўрнатиш, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг «Мицубиси» компанияси

⁴⁷ Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи 2013 йил 19 январь.

томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасини ишга тушириш бўйича қиймати 529,78 миллион долларлик лойиҳа, Навоий вилоятида кремний ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг биринчи босқичи (қиймати 19,04 миллион доллар), Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи янги жомплекс барпо этишнинг иккинчи босқичини (қиймати 29,38 миллион долларлик лойиҳа) ишга тушириш якунланди. Сурғил кони базасида қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газкимё мажмуаси қурилиши бошланди. Ушбу комплекс қурилиши 2016 йилда якунланади⁴⁸.

Таъкидлаш жоизки, нуфузли "Диояжик" консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизида Устюрт газкимё мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йил якунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестиция лойиҳаси қаторидан жой олди. Шунингдек, "Томпсон-Рейтер" жаҳон бизнес ахборот агентлиги бўлинмаси - "Прожект файненс интернейшнл" журнали 2012 йил якунлари бўйича, лойиҳанинг ноёблиги ва янгилигини алоҳида қайд этиб, ўз рейтингида Устюрт газкимё мажмуасини қуриш лойиҳасини йилнинг энг яхши лойиҳаси, собиқ иттифок ҳудудидаги энг йирик нефткимё лойиҳаси, деб эътироф этган. 2013 йил 30 январ куни Лондонда "Прожект файненс интернейшнл" журнали томонидан юксак мукофот "Ўзбекнефтгаз" МХК ва Корея Республикаси билан ташкил этилган қўшма корхоналар вакилларига топширилди.

Иқтисодиётга йўналтирилган жами капитал қўйилмаларнинг 24,2% марказлаштирилган инвестицияларни ташкил этган бўлса, қолган 75,8% марказлашмаган маблағлар, яъни корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда аҳоли маблағларидан иборат бўлган.

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, давлат бюджетидан инвестицияларга йўналтирилган маблағлар миқдори йилдан-йилга ўсиб

⁴⁸ Каримов И. А. «Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» // Халқ, сўзи, 2013 йил 19 январ; Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари .

боришига қарамасдан уларнинг инвестициялар умумий ҳажмидаги улуши 2005-2012 йилларда 12,7%дан 4,5%га тушиб кетган. Бунга сабаб, инвестицияларни молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан маблағлар ажратилганлигидандир. Жумладан, 2011 йилда капитал қўйилмалар учун аҳоли маблағлари ҳисобидан 2,6 триллион сўм инвестицияга ажратилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 3,2 триллион сўмни ташкил этган, яъни 2011 йилга нисбатан 13,2% га кўпайган. Аҳоли томонидан йўналтирилган инвестицион маблағларнинг манбаи улар томонидан иш ҳақи ҳамда фоиз, рента, дивидент, фойда ва бошқа кўринишлардаги тадбиркорлик даромадлари ҳисобига шаклланади. Аҳоли даромадлари, асосан, истеъмол ва жамғармага йўналтирилади. Аҳолининг истеъмол харажатлари ҳажмига нисбатан даромад ҳажмининг ўсиши жамғарманинг ўсишига замин яратади. Жамғарма, ўз навбатида, инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли аҳоли маблағларининг инвестициялар умумий ҳажмидаги миқдори муттасил ўсиб бормоқда. 2005-2012 йиллар мобайнида банк кредитлари, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг инвестициялар умумий ҳажмидаги улуши 7,8%дан 27,4%га ўсди.

Иқтисодиётни модернизациялаш техник ва тўхнологик қайта жиҳозлашда ҳудудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда 2012 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмида ҳудудий инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар улуши қарийб 11,9%ни, яъни 441,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу дастур доирасида республика ҳудудларида жами 474 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан, Тошкент шаҳрида умумий қиймати 183,1 миллион доллар бўлган 221 та лойиҳа, Тошкент вилоятида қиймати 75,5 миллион долларлик 64 та, Фарғона вилоятида қиймати 31 миллион долларлик 35 та, Қашқадарё вилоятида қиймати 25,9 миллион долларлик 10 та, Андижон вилоятида қиймати 21,9

миллион долларлик 27 та лойиҳа амалга оширилди. Бухоро вилоятида 4,8 миллион доллар, Жиззах вилоятида эса 4 миллион доллар миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинган.

Худудларда, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра, 4283 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатган. Уларнинг 3033 таси (70,8%) Тошкент шаҳрида, 451 таси (10,5%) Тошкент вилоятида, 207 таси (4,8%) Самарқанд вилоятида, 96 таси (2,2%) Фарғона вилоятида, 80 таси (1,8%) Андижон вилоятида фаолият юритган. Уларнинг сони Сирдарё вилоятида 41 тани (0,95%), Жиззах вилоятида 36 тани (0,8%), Хоразм вилоятида 25 тани (0,6%) ташкил этди. 2012 йил давомида хорижий инвестициялар иштирокида жами 486 та, жумладан, Тошкент шаҳрида 347 та, Тошкент вилоятида 65 та, Самарқанд вилоятида 19 та, Фарғона вилоятида 10 та корхона ташкил этилди⁴⁹.

Таъкидлаш жоизки, фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг 871 таси (20,3%) ички савдо соҳасида, 499 таси (11,6%) енгил саноат, 410 таси (9,6%) машинасозлик, 349 таси (8,1%) озиқ-овқат, 263 таси (6,3%) кимё ва нефть кимёси, 223 таси (5,2%) қурилиш, 199 таси (4,6%) қурилиш материаллари тармоқларида фаолият юритмоқда. Аммо худудларда хорижий инвестициялар иштирок этмаган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, рўйхатга олинган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар умумий сонидagi улуши республика бўйича 8,2%ни, Жиззах вилоятида 18,4%ни, Сирдарё вилоятида 14,6%ни, Наманган вилоятида 11,6%ни, Навоий вилоятида 11,3%ни ташкил этган⁵⁰.

Республикада кулай инвестициявий, шу жумладан, ишбилармонлик муҳити яратилганлигига қарамасдан, хорижий инвестицияларни жалб этишда худудлар ўртасида номутаносибликлар ва муайян камчиликлар мавжуд.

⁴⁹ Экономика .. Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. - Т.: ЦЭИ. 2013. - 16-18; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo) маълумотлари; Ш.А. Тўлагановнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган ўқув-семинаридаги маърузаси тақдироти материаллари.

Булар мамлакат минтақалари ва ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги, шу жумладан, зарурий ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлашдаги фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ҳудудларда инвестиция лойиҳалари ташаббускорларининг етарли даражада билимга эга эмаслиги, иқтисодий-таҳлилий ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги, салоҳиятли маҳаллий инвесторларни аниқлаш ишларидаги сусткашлик, замо-навий маълумот базасидан унумли фойдаланмаслик, имтиёзли хорижий кредит линиялари ва хорижий инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий тадбиркорларга ўз вақтида етказиб бермаслиги хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги камчиликлар ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, диверсификация қилиш, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1590-сонли Қарори доирасида 1115 та, шундан 510 таси (45,7%) вазирлик ва идоралар томонидан, 605 таси (54,3%) ҳудудларда амалга ошириш кўзда тутилган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2011 йилда республика бўйича 6,93 триллион сўмлик, шу жумладан, вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар томонидан 5,88 триллион сўмлик (84,9%), ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 1,05 триллион сўмлик (15,1%) маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш доирасидаги экспортнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 23%ни, ҳудудий тасарруфдаги корхоналар экспорт ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 4,7%ни ташкил этди. 2012 йилда эса ушбу дастур доирасида 8,6 триллион сўмлик, яъни 2011 йилга нисбатан 24,7% кўпроқ маҳсулот ишлаб

чиқарилган. Худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан маҳаллийлаштириш доирасида 2,4 триллион сўм, яъни 2011 йилга нисбатан 33,3% кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, уларнинг жами ишлаб чиқариш ҳажми 16,6%ни ташкил этди⁵¹.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги худудий тасарруфдаги корхоналарда маҳаллийлаштириш Лойиҳалари йиллик прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилган. Аммо бу кўрсаткич Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Жиззах, Тошкент, Сурхондарё вилоятларидаги худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан тўла бажарилмади.

Маҳаллийлаштириш дастурига 2012 йилда Тошкент шаҳрида 46 та, Фарғона вилоятида 6 та, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида 4 тадан, Наманган вилоятида 3 та, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 2 тадан, Қашқадарё вилоятида 1 та янги худудий лойиҳа киритилган. Аммо Жиззах, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида биронта ҳам янги худудий лойиҳа киритилмаган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2012 йилда 1 миллиард 30,6 миллион доллар ҳажмида маҳсулот экспорт қилинди. Шунингдек, 972,3 миллион доллари (94,3%) вазирлик ва идоралар тасарруфидаги корхоналар 58,3 миллион долларлик маҳсулот (5,7%) худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан экспорт қилинган⁵².

Ўзбекистонда 2013 йилда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш техник ҳамда технологик яхшилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида 370 дан ортиқ стратегик. муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo) маълумотлари; Ш.А. Тўлагановнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган ўқув-семинаридаги маърузаси тақдироти материаллари.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестиция дастури туфисида"ги 1855-сонли Қарори асосида муаллифлар томонидан тузилди.

тутадиган инвестиция дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 13 миллиард доллар эквивалентида, 2012 йилга нисбатан 11% кўп киритилади.

3.2.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастурининг асосий кўрсаткичлари⁵³

Молиялаштириш манбалари	Миллион сўм	Фоизда
Жами капитал қўйилмалар, шундан:	27123275	100,0
1. Марказлашган инвестициялар	6691366	24,7
1.1. Бюджет маблағлари	130000	4,8
1.2. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	13100	0,5
1.3. Бюджетдан ташқари фондлар	1876750	6,9
1.4. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1632833	6,0
1.5. Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	1750783	6,5
2. Марказлашмаган инвестициялар	20431910	75,3
2.1. Корхоналар маблағлари	8150655	30,0
2.2. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3236108	12,0
2.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4563159	16,8
2.4. Аҳоли маблағлари	4481988	16,5

Уларнинг 75%ини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади⁵⁴. Республикамизнинг 2013 йилги инвестиция дастурига мувофиқ жами капитал қўйилмалар 27123275 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Режа бўйича марказлашган инвестицияларнинг умумий

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестиция дастури туфисида"ги 1855-сонли Қарори асосида муаллифлар томонидан тузилди.

⁵⁴ Каримов И. А. «Бош мақсадимиз - кенг кулаг ислох.отлар ва модернизация йулини қатият билан давом эттириш». 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йига мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ. сўзи, 2013 йил 19 январ.

капитал қўйилмалари 24,7%ни, марказлашмаган инвестициялар эса 75,3%ни ташкил қилиши белгилаб қўйилган (2-жадвал).

Таъкидлаш керакки, 2013 йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаи бўлмиш Олий таълим муассасалари моддий - техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 113 435 миллион сўм маблағ иқтисодиётга йўналтирилиши кўзда тутилган. Иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар умумий ҳажмида бюджет маблағлари улуши 4,8%ни, бюджетдан ташқари фондлар улуши 6,9%ни, жами хорижий инвестициялар улуши 23,5%ни ташкил қилиши режалаштирилган. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 56,7%и янги қурилиш, 33%и ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилади. 2013 йилда "Ўзбекинвестгаз" МХКда умумий қиймати 261,43 миллион доллар мавжуд бўлган ДКС 1, 2, 3, 4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш, "Ўзбекэнерго" ДАК таркибидаги "Тошкент ИЭС" ОАЖ негизида" когенерацион буғгаз технологиясини жорий этиш (қиймати 62,9 миллион доллар), қиймати 254,8 миллион доллар бўлган Деҳқонобод калийли ўғит заводининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришнинг 2-босқичини ишга тушириш лойиҳаларини, шунингдек, умумий қиймати 320,74 миллион долларлик Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрлаштирилган 187 километрли темир йўл линиясини барпо этишнинг биринчи босқичини якунлаш мўлжалланган⁵⁵.

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин тутди. 2013 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа биринчи навбатда хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган объектларни молиялаштириш амалга оширилди ва бу иқтисодиётни

⁵⁵ Каримов И. А. «Бош мақсадимиз - кенг кулаг ислох.отлар ва модернизация йулини қатият билан давом эттириш». 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йига мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ. сўзи, 2013 йил 19 январ. Ўзбекистан Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo) маълумотлари

модеризация қилиш техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга қаратилди. Давлат инвестиция ва ҳудудий инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилмоқда:

- мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада изчил такомиллаштириб бориш. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: "Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини жаҳон тажрибасида қабул қилинган бизнесни юритиш мезонларига қай даражада мос келишини доимо кузатиб боришимиз ва тегишли қарорлар қабул қилишимиз зарур. Вазирлар Маҳкамаси бу ишга раҳбарлик қилиши хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бу масала билан тизимли асосда шуғулланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди"⁵⁶ - деб таъкидлаган эдилар;
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари тегишли бошқармалари ҳамда вилоят, шаҳар, ва туман ҳокимликлари биргаликда инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини мунтазам мониторинг қилиб боришлари, дастурларга киритилган корхоналар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- юртимиз минтақа ва ҳудудларида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини ҳудудий инвестиция дастурларига, маҳаллийлаштириш дастурига киритишга қўмаклашиш; бунинг учун ҳудудларда йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналари ўртасида саноаткооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ишларини давом эттириш;

⁵⁶ Каримов И. А. «Бош мақсадимиз - кенг кулаг ислох.отлар ва модернизация йулини қатият билан давом эттириш». 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йига мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халк. сўзи, 2013 йил 19 январ.

- республика минтақа ва вилоятлари, шаҳар ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган минтақавий сиёсат доирасида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилга, ҳатто, 2030 йилга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунинг учун Андижон вилояти тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Мамлакатимиз минтақаларнинг рақобатбарошлиги, биринчи навбатда уларнинг географик жойлашуви ва ресурсларнинг мавжудлигига боғлиқ. Минтақаларнинг рақобатбардошлиги кўп жihatдан нисбий афзалликлар яъни, биринчидан, табиий бойликларга “Нефт-газ, рангли металлар, пахта ва бошқалар”, иккинчидан, минтақа ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлигига, учинчидан, фан, техника ва технологияларнинг ривожланганлиги инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва бошқа омиллар билан тавсифланади.

2. Мамлакатимиз турли минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш ва бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, минерал-ҳом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини ишлаб чиқиш ҳажмига боғлиқ. Фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олинadиган хорижий капитални жалб қилишдан кутиладиган самарани олиш мумкин.

3. Республикамизда қулай инвестициявий, шу жумладан, ишбилармонлик муҳити яратилганлигига қарамасдан, хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳудудлар ўртасида номутаносибликлар ва муайян камчиликлар мавжуд. Булар мамлакатимиз минтақалари ва ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги, шу жумладан, зарурий ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлашдаги фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ҳудудларда инвестиция лойиҳалари

ташаббускорларининг етарли даражада билимга эга эмаслиги, иқтисодий-таҳлилий ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги, салоҳиятли маҳаллий инвесторларни аниқлаш ишларидаги сусткашлик, замо-навий маълумот базасидан унумли фойдаланмаслик, имтиёзли хорижий кредит линиялари ва хорижий инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий тадбиркорларга ўз вақтида етказиб бермаслиги хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги камчиликлар ҳисобланади.

4. Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин тутди. 2013 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа биринчи навбатда хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган объектларни молиялаштириш амалга оширилди ва бу иқтисодиётни модернизация қилиш техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга қаратилди.

5. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, диверсификация қилиш, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

6. Юртимиз минтақа ва ҳудудларида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини ҳудудий инвестиция дастурларига, маҳаллийлаштириш дастурига киритишга кўмаклашиш, бунинг учун ҳудудларда йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналари ўртасида саноат кооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ишларини давом эттиришложим.

7. Республикамиз минтақалари ва вилоятлари, шаҳар ва туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган минтақавий сиёсат доирасида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилга, ҳатто, 2030 йилга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш хусусиятларини ва устувор йўналишларини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Инвестициялар – қонунбилан тақиқланмаган барча тадбиркорлик фаолиятларига жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат томонидан даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида муайян муддатга сарфланадиган барча мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлардир. Миллий иқтисодиётдаги инвестиция жараёнлари устун даражада ички манбалар, шу жумладан, хўжалик субъектларининг ўз маблағлари, давлат бюджети маблағлари, аҳоли жамғармалари ва ички қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда.

2. Бугунги кунда малакатимизда иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг мукаммал ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. Шу билан бирга иқтисодий амалиётнинг кўрсатишича ҳанузгача ўзаро фойдали, самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш, экспертизадан ўтказиш ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги назарий қиймати билан амалиётдаги натижасини, аҳамиятини мониторинг қилишнинг мукаммал тизими шакллантирилмаган. Шу сабабли жозибали ва самарали бўлиб кўринган баъзи лойиҳалар амалиётда ўзини оқламайпти.

3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестициялар ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестициялар улушининг ортиб бориши макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш ҳамда миллий иқтисодиётни техник-технологик жиҳатдан янгилаш учун тегишли шарт-шароитлар яратмоқда.

4. Умумий ҳолотда республикаимиз миқёсида самарали инвестиция сиёсати олиб борилаётганлиги билан бир қаторда иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар тақсимоотида “минтақавий нотекис тақсимлаш”

амалиёти, яъни инвестицияларни асосан йирик шаҳарлар айрим вилоятларга киритиш ҳоллари мавжуд. Баъзи ҳудудларда (Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси) инвестициялар танқислиги каби долзарб муаммолар сақланиб қолмоқда.

5. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишда сифат ўзгаришлари содир бўлмоқда. Жалб қилинаётган хорижий инвестициялар таркибида қарз маблағлари улушининг пасайиши билан бирга хусусий инвестицияларнинг ҳажми жадал ошиб бормоқда. Хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жами ташқи инвестициялар таркибидаги улуши йилдан йилга кўпаймоқда.
6. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицияларни кўп меҳнат талаб қилинадиган тармоқлар ва соҳаларга, хусусан қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё саноати, электроника соҳасига йўналтириш устувор вазифалардан биридир.
7. Республикамиз ҳудудларига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда маҳаллий ҳокимият органлари минтақалар нинг узоқ муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалиётга тадбиқ этишлари зарур.
8. Инвестиция сиёсати ва инвестиция дастурларини мамлакатни узоқ муддатли ривожлантириш прогнозлари билан узвий боғлиқликда ишлаб чиқиш лозим. Инвестицияларни йўналтиришнинг яна бир устувор вазифаларидан бири саноат ва қишлоқ хўжалигида эскирган асосий ишлаб чиқариш васитарини янгилаш, техник-технологик жиҳатдан модернизаци қилиш ва экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва тара хўжалигини ривожлантиришдан иборат.
9. Республикамизга жалб қилинаётган инвестицияларни йўналтиришда иқтисодиётнинг микро ва макро даражасида мутаносиб ва мувозанатли ривожланишига асос бўладиган шарт-шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

10. Ривожланиш даражаси паст, дотацияда бўлган ҳудудларга, ижтимоий, экологик ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш лозим.
11. Ривожланган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича инвестицияларни кўпроқ иқтисодиётнинг реал секторига, яъни ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай амалиёт мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади, янги иш иш ўринларини яратиш, ялпи ички маҳсулотни барқарор суръатларда ўстиришнинг моддий асосини шакллантиради.
12. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кўрсатадиган ижобий таъсирини янада кучайтириш чора-тадбирларини амалиётга татбиқ этиш лозим. Ушбу мақсадда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётнинг халқаро савдода рақобатга бардош берадиган тармоқларига жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳаларни, маҳаллий бозорга хизмат қилишга мўлжалланган инвестициялар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг истиқболли соҳаларида кўпроқ экспортга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини такомиллаштириш зарур.
13. Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш ва экспортга йўналтирилган инвестицион лойиҳалар амалга оширишида хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида махсус иқтисодий ҳудудлар ва саноат паркларини яратишни таклиф этамиз. Бундай махсус иқтисодий ҳудудлар ва саноат парклари минтақаларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги нисбий рақобатбардошлиги, уларнинг географик жойлашуви, инсон ресурслари, транспорт, энергетика ва ахборот-коммуникациялари мавжудлиги ва

уларнинг сифат даражаси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда, йирик шаҳарлардан ташқарида жойлаштириш ва уларда фаолият кўрсатадиган инвесторлар учун мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

14. Ҳудудий инвестиция сиёсатини минтақаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва технологик ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудудий меҳнат, минерал ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда кескин урбанизациялаштиришнинг олдини олган ҳолда амалга ошириш лозим. Ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини аниқлаш, инвестиция лойиҳалари ва фойдаланиш мумкин бўлган инвестиция имкониятлари ҳақида маълумотлар базасини яратиш зарур.

15. Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий, сиёсий, экологик ва ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқларни ривожлантириш йўллари аниқлаш орқали узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Уларни шакллантиришда ички ва хорижий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини стратегик аҳамиятига қараб йиғиш, таҳлил қилиш ва танлаб олиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 24.12.1998 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 30.04.1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 30.04.1998 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”ги 1652-сонли Фармони, 30.11.1996 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоялар бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1831-сонли Фармони, 26.08.1997 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1927-сонли Фармони, 09.02.1998 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3594-сонли Фармони, 11.04.2005 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 14.03.2007 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 672-сонли Қарори, 20.07.2007 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 927-сонли Қарори, 24.07.2008 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал – иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 02.12.2008 й., // Халқ сўзи. 2008 йил 4 декабр. Б.1.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлар дстури тўғрисида”ги 1072-сонли Қарори, 12.03.2009й.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги 58-сонли Қарори, 09.02.2004 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни ҳисобга олишни тартибга солиш в уларни мониторингини олиб бориш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 59-сонли Қарори, 09.02.2004 й.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 74-сонли Қарори, 01.05.2006 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

16. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: -Ўзбекистон, 1997. – б.325.

18. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: - Ўзбекистон, 2005. – б.

19.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 48.

20.Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 64 б.

21.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, - 56 б.

22.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва хилқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.

23.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

24.3.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 44 б.

25.Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.

26. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қаъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

27. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш,

барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

III. Махсус илмий асарлар

- 28.Бакланов П.Я. Территориальные структуры хозяйства в региональном управлении. – М.: Наука, 2007. – 239 с.
- 29.Вахабов А.В., Сабиров О.Ш., Абдулатипов М.Ф. Особенности управления рисками инвестиционных проектов в коммерческих банках. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2009. 152 с.
- 30.Вахабов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.; и.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2010. – 328 б.
- 31.Воронцовский А.В. Инвестиции и финансирование (методы оценки и обоснования). – СПб.: Изд-во С. – Петербургского университета, 1998. – 528 с.
- 32.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.-Т.: “Молия” 2010. 328 б.
33. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: “ Молия ”, 2011.
- 34.Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. Монография. – Т.: «Молия», 2011. – 300 с.
35. Дружинский Г.В. Региональная парадигма экономической модернизации: инвестиционная составляющая // Региональная экономика: теория и практика. Научно-практический и аналитический журнал. – Москва, 2009. -№7 (100). – С.42-46.
- 36.Джумамуратова К. Инвестиционная привлекательность Хоразмской области. // Бозор, пул кредит. – Ташкент, 2006. - №5. – Б.32-33.
- 37.Жўраева А.С., Хўжакулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2003. – 256 б.
- 38.Игнотина Л.Л. Инвестиции. Учебное пособие. – М.: Экономистъ, 2005. –

478 с.

39.Имомов Х. Ўзбекистонда инвестиция муҳитини ва унинг сомадардори // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. - № 11-12. –Б. 26-27.

40.Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ. Доклад о мировом развитии 2005. – М.: Изд-во Весь Мир, 2005. – 257 с.

41.Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молиявий ва кредит механизминини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. – 296 б.

III. Илмий мақолалар

42. Акбаров С. Инвестиционный климат Республики Узбекистан // Деловой партнер. – Ташкент, 2005, 2005. - № 4. – С. 12-13.

43.Алматова Д. Хорижий инвестициялар жалб этишни фаоллаштириш омиллари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2005. -№ 5-6. – Б.60-61.

44. Паплов К.В. Инвестиции и инновации интенсивного и экстенсивного типа: методы оценки. // Иқтисод ва молия. 2011. - №10. – Б.2-8.

45.Якубов Ш. Инвестиция – тараққиёт омили. // Бозор,пул ва кредит, 2010, № 1.

46.Мадумаров Ҳ. Хорижий инвестицияларни жалб этиш омиллари. // Бозор, пул ва кредит. 2010, № 5.

47.Абдурахимова С. Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни ривожлантириш истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. 2010, № 11.

48.Бойхонов Б. Иқтисодиётда инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини такомиллаштириш. // Бозор, пул ва кредит. 2011, № 10.

49. Темирова М.Т. Худудий инвестицион фаолият хусусиятлари ва тахлили. // Иқтисод ва молия. –2011. - №12. – Б.49-54.

50. Ахмеджанов С.А.Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни тартибга солишнинг хориж тажрибаси. // Иқтисод ва молия. 2012, № 3.

51. Воронин С. Развитие инвестиционных процессов в экономике. // Рынок, деньги и кредит. 2012, № 12.

52. Абулқосимов Х., Абулқосимов М., Муродхўжаева Ф. Ўзбекистонда фаол инвестиция сиёсати ва унинг муҳим йўналишлари. // Иқтисод ва молия. 2013, № 7.

53. Махмудова Г.Н. Инвестициялар – иқтисодий барқарор ўсиш омили сифатида. // Иқтисод ва молия. 2013, № 9.

54. Каримов Н., Исмоилов Д. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш. // Бозор, пул ва кредит. 2013, № 11.

55. Костюченко А. Рост инвестиций и инновационная деятельность. // Рынок, деньги и кредит. 2013, № 4.

56. Федяшева Г., Каримов М. Инвестиционное развитие Узбекистана: достижения и перспективы. // Рынок, деньги и кредит. 2013, № 12.

V. Диссертация ва авторефератлар

57. Рустамова Д.Д. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этшнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди дисс. автореферати. – Т.: 2006, 23 б.

58. Насретдинов С.С. Миллий иқтисодийни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди дисс. автореферати. – Т.: 2008, 24 б.

59. Обломуратов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Т.: 2008, 130 б.

VI. Расмий статистик тўпламлар

60. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва

кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган пргнозлари. Статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011.

61. Социально-экономическое положение Республики Узбекистана за 2013 год.

62. Статистическое обозрение Узбекистана. Статистический сборник. – Т.: 2012 год.

63. Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2013.

VII. Интернет сайтларир

64. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

65. www. stat.uz

66, www. gov. uz

67. www. ziyonet. uz